N 36 (165) • 2008 йил 5 сентябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шерамат Хайитович **Худойбердиев** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Шухратжон Бутаерович **Мамадияров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 29 август.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Робахон Анваровна **Махмудова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 29 август.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

### А Х Б О Р О Т

***28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини парламентнинг юқори палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Пировардида тегишли қарор қабул қилинган мазкур масала муҳокамасида қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги ҳужжат мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида, давлат ва ижтимоий қурилишида инсонпарварликнинг яна бир ёрқин ифодаси эканлиги қайд этиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг жамиятни янада демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор қонунларини кўриб чиқдилар.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор. Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур Қонун фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини амалга оширишга, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлашга, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилашга, шунингдек, ижтимоий суғурта тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ишловчи фуқароларга давлат томонидан қонунчилик йўли билан кафолатлар таъминланишининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиши ҳам айтиб ўтилди.

Президентнинг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган 2006–2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастурини бажариш юзасидан қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилар экан, у акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг бутун фонд бозорини кучайтириш ва ривожлантиришга қаратилганлигига алоҳида урғу берилди.

Қонунда ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдорини кўпайтириш, корпоратив бошқарув принципининг кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдорлигини кучайтиришга доир қисмини такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ўз жамиятларини бошқаришдаги фаоллиги ва жавобгарлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, сенаторлар шуни таъкидладиларки, унинг нормалари ишда иштирок этувчи шахснинг иш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатларига рози бўлмаган тақдирда назорат тартибида протест келтириш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд кемтикликни тўлдирмоқда. Кодекс шу йўналишда ариза билан мурожаат қилиш тартибини, ушбу ҳужжатнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни, бундай аризани бериш мумкин бўлган, суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисоблаб чиқариладиган охирги муддатни, шунингдек, аризани кўриб чиқиш муддатини белгилайдиган $192^1$-модда билан тўлдирилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асносида сенаторлар мазкур Кодекснинг 49-моддасига киритилаётган ўзгартишлар фуқаролар малакали юридик ёрдамдан баҳраманд бўлишларининг конституциявий кафолатларини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиб беришини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди ва бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаммаси сенаторлар томонидан маъқулланди.

***

**29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши жиноятнинг ана шу турига қарши курашнинг самарали қонунчилик базасини яратиш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар изчиллик асосида давом эттирилаётганлигидан далолат дея таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар Кодекснинг мазкур моддасига киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ суд томонидан жиноят қуроли деб топилган ҳар қандай ашёлар, улар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёки жиноятни содир қилишда иштирок этмаган бошқа шахсга қарашлилигидан қатъи назар, мажбурий равишда мусодара қилиниши жоиз ва улар тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши керак. Мазкур қўшимча ўз мол-мулкини бошқаларга бериб тураётган, шу жумладан фойда олиш мақсадида бериб тураётган шахсларнинг фуқаролик жавобгарлигини оширишга ёрдам беради, деб таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш ҳақидаги қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан киритилганлигини қайд этиб ўтдилар. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг замирида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2007 йил 16 августда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида имзоланган, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомага қўшилиш мақсади мужассам.

Баённома Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка бўлган трансмиллий таҳдидларга қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг кўп томонлама ҳамда кенг ҳамкорлигини таъминлаши керак бўлган тузилма – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чораларни назарда тутади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан маъқулланди. Мазкур Битим энг хавфли турдаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар, жамият ва давлат жиноий тажовузлардан ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида имзоланганлиги айтиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сенатнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик мажлисида ҳаммаси бўлиб 20 та масала кўриб чиқилди.

Парламент юқори палатаси томонидан ана шу мажлисда маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар, сенаторларнинг фикрича, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган демократик ўзгаришларга янада теранлик бахш этади.

Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлиси ишчанлик ва амалий вазиятда ўтди. Унинг иштирокчилари кўриб чиқилган масалаларнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида амалга оширилаётган бунёдкорлик йўналишидаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Янги қонунларни тарғиб қилиш ва тушунтириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳуқуқни қўлланиш амалиётининг механизмини такомиллаштириш зарур, деган фикр ҳам билдирилди. Бундай ёндашув, қайд этилганидек, мамлакатимизнинг демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан изчил илгарилаб боришига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада тўлароқ таъминланишига ёрдам беради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА

2-3-бетлар — Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
3-5-бет — Бизнинг маслаҳатлар
7-10-бетлар — Қонунчиликдаги янгиликлар
11-бет — Кадрлар бўлими

$1 = 1322,80 сўм €1 = 1950,87 £1 = 2422,97 сўм ¥10 = 121,35 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13
pr44_045

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ




## ЎЗБЕКИСТОН – КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА АЪЗОСИ

**2008 йил 21 августдаги ЎРҚ-165-сон, ЎРҚ-166-сон, ЎРҚ-167-сон, ЎРҚ-168-сон, ЎРҚ-169-сон, ЎРҚ-170-сон, ЎРҚ-171-сон Қонунлар билан Ўзбекистон Республикаси:**

– Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага (Тошкент, 1992 йил 15 май);

– Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг **Уставига** (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь);

– Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги **битимга** (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь);

– Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани узайтириш ҳақида 1992 йил 15 майдаги **баённомага** (Москва, 1999 йил 2 апрель);

– 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битим доирасида етказиб бериладиган, ҳарбий соҳа учун мўлжалланган маҳсулотлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида 2002 йил 7 октябрда Кишинёв шаҳрида имзоланган **Баённомага**;

– 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битим доирасида етказиб бериладиган, ҳарбий соҳа учун мўлжалланган маҳсулотлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Баённомага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги **баённомага** (Москва, 2004 йил 22 ноябрь);

– Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти доирасида махфий ахборотнинг сақланишини ўзаро таъминлаш ҳақидаги **битимга** (Остона, 2004 йил 18 июнь);

– 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги **битимга** (Москва, 2000 йил 20 июнь);

– 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги **баённомага** (иш тартибида имзоланган, 2003 йил 19 сентябрь) **қўшилди**.

Ўзбекистоннинг ушбу ҳужжатларга қўшилиши тинчлик ва барқарорлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

* * *

**Президентнинг 2008 йил 19 августдаги ПҚ-946-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2007 йил 28 ноябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик даврида фойдаланиладиган ва олинган интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ўзаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим тасдиқланди.**

## САНОАТҚУРИЛИШБАНКНИНГ ДАРАЖАСИ ОШИРИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 13 августдаги «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-944-сон қарори** билан Ўзсаноатқурилишбанкнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнидаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилди, улар жумласига шунингдек нефть-газ, кимё, электроэнергетика, электротехника ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштиришни таъминлаш ҳам киритилди.

Молия вазирлигига – 35 млрд сўм; Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига – 26 млрд сўм; банк акциядорлари – саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарига – 4,4 млрд сўм миқдорида банк акцияларини сотиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

## АРХИВЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЮЗ БЕРАДИ

**Президентнинг 2008 йил 21 августдаги «Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-949-сон қарори** билан «Ўзархив» агентлиги зиммасига «Ўзбекистон Республикасининг марказий давлат архивларини ахборотлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Корея Республикаси ҳукумати томонидан 2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикасига 3 млн АҚШ доллари миқдорида берилган грант маблағларига олиб келинадиган ускуналар ва материаллардан қатъиян мақсадли фойдаланиш ҳамда уларнинг сақланиши юзасидан жавобгарлик юклатилди.

Грант маблағлари ҳисобидан олиб келинадиган ускуналар ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

## ЗАХИРАНГИЗ БЎЛСИН

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Бундай шахслар жумласига: ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар; таълим муассасаларини тугатган ёшлар; муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар; ногиронлар; бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар; жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар киритилган.

Бундай шахсларни ишга жойлаштириш учун қонун билан белгиланадиган миқдордаги иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларининг

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 2 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1143,56 | 1 Малайзия ринггити | 390,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2422,97 | 1 Польша злотийси | 581,50 |
| 1 Дания кронаси | 261,69 | 1 СДР | 2079,30 |
| 1 БАА дирҳами | 360,14 | 1 Туркия лираси | 1116,00 |
| 1 АҚШ доллари | 1322,80 | 1 Швейцария франки | 1208,92 |
| 1 Миср фунти | 246,93 | 1 ЕВРО | 1950,87 |
| 1 Исландия кронаси | 16,03 | 10 Жанубий Корея вони | 12,17 |
| 1 Канада доллари | 1259,21 | 10 Япония иенаси | 121,35 |
| 1 Хитой юани | 193,48 | 1 Россия рубли | 53,89 |
| | | 1 Украина гривнаси | 272,98 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 3.09.2008 | 1 | 0,8145 | 1 | 1,1796 | 1 | 0,0328 |
| Арманистон | 3.09.2008 | 1 | 301,56 | 1 | 434,55 | 1 | 11,99 |
| Беларусь | 4.09.2008 | 1 | 2111,00 | 1 | 3041,00 | 1 | 84,87 |
| Грузия | 3.09.2008 | 1 | 1,41 | 1 | 2,0482 | 1 | 0,057 |
| Қозоғистон | 4.09.2008 | 1 | 119,77 | 1 | 172,38 | 1 | 4,76 |
| Қирғизистон | 30.08.2008 | 1 | 34,6079 | 1 | 51,0467 | 1 | 1,4081 |
| Латвия | 4.09.2008 | 1 | 0,487 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0196 |
| Литва | 4.09.2008 | 1 | 2,3898 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,6153 |
| Молдова | 3.09.2008 | 1 | 9,6507 | 1 | 13,9892 | 1 | 0,3889 |
| Тожикистон | 3.09.2008 | 1 | 3,418 | 1 | 4,9975 | 10 | 1,3828 |
| Ўзбекистон | 2.09.2008 | 1 | 1322,80 | 1 | 1950,87 | 1 | 53,89 |
| Украина | 3.09.2008 | 100 | 485,01 | 100 | 704,0405 | 10 | 1,9621 |
| Эстония | 3.09.2008 | 1 | 10,854 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,431528 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2008 йил 2 сентябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1332,00 | 1334,00 | 1950,00 | 1979,00 |
| "Асака" банки | 1332,00 | 1334,00 | 1951,00 | 1956,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1333,00 | 1335,00 | 1946,00 | 1960,00 |
| "Пахта Банк" | 1333,00 | 1335,00 | 1966,00 | 1970,00 |
| "Халқ банк"и | 1332,00 | 1334,00 | 1951,00 | 1964,00 |
| "Ипотекабанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1952,00 | 1965,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1332,00 | 1334,00 | 1951,00 | 1966,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1332,00 | 1335,00 | 1935,00 | 1960,00 |
| "UzKDBбанк" | 1332,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1966,00 |
| "Ғаллабанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1960,00 |
| "Трастбанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1966,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1332,00 | 1334,00 | 1951,00 | 1956,00 |
| "Алоқабанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1955,00 | 1970,00 |
| "Ў-Т банк" | 1332,00 | 1335,00 | 1945,00 | 1965,00 |
| "Туронбанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1966,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1332,00 | 1334,00 | 1952,00 | 1970,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1333,00 | 1335,00 | 1960,00 | 1970,00 |
| "Туркистон" банк | 1333,00 | 1335,00 | 1948,00 | 1950,00 |
| "Даврбанк" | 1332,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1971,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1333,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1980,00 |
| "Капитал банк" | 1333,00 | 1335,00 | 1951,00 | 1980,00 |
| "Содерат банк" | 1332,00 | 1334,00 | 1944,00 | 1973,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1333,00 | 1335,00 | 1945,00 | 1965,00 |
| "Универсалбанк" | 1332,00 | 1335,00 | 1964,00 | 1968,00 |
| "Равнақбанк" | 1332,00 | 1334,00 | 1950,00 | 1979,00 |

*"Банк ахборотномаси" 36 (643)-сон, 2008 йил 3 сентябрь.*

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида
– Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
*1-3-бетлар*

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
– МЧЖда автотранспорт ҳиссаси
– Бутун ўсиш – сизнинг дивидендингиз
– Бундан кам бўлмайди
– Сутнинг ўрнини сўм босмайди
– Бухгалтер, сен ноҳақсан
– Бўнакдан даромад солиғи олинмайди
– Совға декларацияланмайди
– Бундай тўловлар даромад ҳисобланмайди
– Кўмаклашиш учун беш фоиз
– Қўшимча баҳоланган сумма давлат бюджетига
– Буларнинг ҳаммаси дорихона
– Даромадсиз реализация
*3-5-бетлар*

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО
– Ўзгаришлар ўз баҳосини олади *6-бет*

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»;
– «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**
– ЎзР МБНинг «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.
*7-10-бетлар*

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– «Иш берувчи»ни қидиряпман
– Оғзаки ваъдаларга ишонманг
– Шартнома тузишни унутишган
– Шартнома ғоятда зарур *11-бет*

✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА *12-16-бетлар*

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади ҳамда иш топишда қийналаётганлар сонининг ўзгаришига қараб ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Меҳнат органлари йўлланмаси бўйича банд қилиб қўйилган иш ўрнига ишга жойлаштиришни рад қилган тақдирда ташкилот раҳбари (иш берувчи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгар бўлади.

Баъзи ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

## НАВОИЙ ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР УЧУН ОЧИҚ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 августдаги 188-сон қарори билан Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Навоий аэропортини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди*** («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда Навоий шаҳри аэропорти мақоми бўйича маълумотлар тайёрланишини ва уларнинг аэронавигация ахборотлари халқаро тўпламларида эълон қилишлари керак. Бундан ташқари, халқаро аэропортда шарт-шароитлар яратиш ва унинг учун зарур бўлган барча хизматлар ишини таъминлаш учун жавобгарлар белгиланди.

## СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ЖАРИМА СОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорни Молия вазирлиги қабул қилади. Улар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги учун устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима солиниши белгиланган. Бунда белгиланган жарималарнинг жами суммаси устав капитали энг кам миқдорининг 1,0 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Жариманинг тўланиши суғурталовчини қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Жарима санкциялари тўлов қобилияти нормативлари; суғурталовчиларнинг активларини жойлаштиришга оид талаблари; қайта суғурта қилиш операцияларига оид талаблар; суғурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш тартиби ва шартлари; суғурта агентлари тўғрисидаги низом талаблари; ҳисоботларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларини бузганлик учун қўлланилади.

**2008 йил 25 августдан кучга кирди.**

## ЯНА ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ

Президентнинг 2008 йил 21 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ–4014-сон Фармонини бажариш мақсадида **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарори *(АВ томонидан 2008 йил 16 августда 1843-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** қабул қилинди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

**2008 йил 26 августдан кучга кирди.**

## СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛИБ, ТЎЛДИРИЛМОҚДА

**Давлат статистика қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 16 августда 1748-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор»га** *(2007 йил 15 декабрдаги 1748-сон)* **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 145-сон қарорига мувофиқлаштирилмоқда.

● РЕКЛАМА

"Картрижларни Тўлдириш Маркази"

*муваффақиятингиз учун комплекс ечим*

919-30-40

*картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни*

ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ

7 777 сўмдан бошлаб

"Trade in" хизмати

**2008 йил 26 августдан кучга кирди.**

## ҚОИДАЛАРГА БИНОАН ПУЛ ЖЎНАТИНГ

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи *(АВ томонидан 2008 йил 16 августда 1256-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига** *(2003 йил 16 июлдаги 1256-сон) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ ички почта жўнатмалари ва почта орқали пулли жўнатмаларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланган муддатларда ишлов берилади, қайта жўнатилади ва етказиб берилади (топширилади). Пул маблағларининг халқаро почта жўнатмаларига пул маблағларининг оддий ва тезлаштирилган (электрон) почта жўнатмалари кириши аниқлаштирилган. Ҳужжатга киритилган қўшимчага мувофиқ, улар икки томонлама битимлар тузилган мамлакатларгагина қайта жўнатилиши мумкин. Шунингдек бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**2008 йил 26 августдан кучга кирди.**

## БИТТА ДИПЛОМ КАМЛИК ҚИЛСА

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2008 йил 13 августдаги 15-сон баённомаси билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 21 августда 1844-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

**2008 йил 26 августдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 16 августдан 22 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 34-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

# МЧЖда АВТОТРАНСПОРТ ҲИССАСИ

**?** ***Жисмоний шахс (муассис) улуш сифатида «Sayfi-Ziyo-Nur» МЧЖ устав фондига ўзининг шахсий автомобилини киритди. У ДАН органларида қайта расмийлаштирилаётганида Йўл жамғармасига жамият балансига киритилган автомобиль қийматининг 6%и миқдорида йиғим тўланадими?***

**З.Сайфиев,**
**«Sayfi-Ziyo-Nur» бош бухгалтери.**

– Ҳа, тўланади. Солиқ кодексининг 325-моддасига кўра автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига олинганда Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситаси қийматининг (МЧЖ муассислари билан келишилган баҳода) 6%и миқдорида тўланади. Йиғимни зиммасига шартнома бўйича ушбу мажбурият юкланган шахс тўлайди:

– агар йиғимни иштирокчи тўласа, йиғим суммаси унинг ҳиссаси қийматида (келишиб олиш бўйича) ҳисобга олиниши мумкин;

– агар йиғимни МЧЖ тўласа, йиғим суммаси транспорт воситасининг дастлабки қийматини белгилаётганда ҳисобга олинади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, барча турдаги автомототранспорт воситалари бўйича битимлар нотариал тасдиқланиши керак. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига *(2006 йил 7 мартдаги 38-сон)* кўра нотариал тартибда тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши, ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари эса нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак *(юқорида кўрсатилган қарорнинг 2-банди, мазкур қарор билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 11-банди).*

Автомототранспорт воситалари билан битимларни тасдиқлаганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарори *(2006 йил 7 июндаги 109-сон)* билан тасдиқланган ставкалар бўйича бож ундирилади:

**Давлат божи ставкалари**

| Транспорт тури | Фойдаланиш муддатига қараб: 3 йилгача бўлганда | 3 йилдан ортиқ бўлганда | 7 йилдан ортиқ бўлганда |
|---|---|---|---|
| **Ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкалари:** | | | |
| а) юк ташувчи ва енгил автотранспорт, шу жумладан, автобус, трактор, ўзиюрар машина учун | ЭКИҲнинг 10%и миқдорида | ЭКИҲнинг 7%и миқдорида | ЭКИҲнинг 5%и миқдорида |
| б) чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт учун | ЭКИҲнинг 30%и миқдорида | ЭКИҲнинг 20%и миқдорида | ЭКИҲнинг 10%и миқдорида |

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши: (99875) 227-18-11

# БУТУН ЎСИШ – СИЗНИНГ ДИВИДЕНДИНГИЗ

**?** ***Ғоят мушкул ҳолларда малакали экспертлардан аниқ жавоб олиш умидида ҳар доим сизларга мурожаат қиламан. Бу умидларим доим оқланмоқда.***

***Бизнинг фирмамиз ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлиб, жорий йилда тугатилган қўшма корхонанинг муассиси эди. Бизга 2002 йилда 40 105 824 сўм қолдиқ қиймати бўйича устав фондига бадал сифатида берилган бинони қайтаришди. 6 йил ичида эскириш ва қайта баҳолашларни ҳисобдан чиқариш натижасида унинг қолдиқ қиймати қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича 50 701 303 сўмни ташкил қилди.***

***Солиқ кодексининг 355-моддасига кўра: «муассислар таркибидан чиқилаётганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари ўртасида тақсимланаётганда устав фондига ҳиссалар доирасида олинган мол-мулк солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди».***

***Бу ҳол ҳиссадан ортиқча сумма – 10 595 479 сўм – худди ўша ҳисобот даврида солиқ солинадиган базага кириши кераклигини билдирадими? Ёки уни қўшилган капиталга киритиш керакми?***

**Л.Юрьева,**
**«ASSA K» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Солиқ кодексининг 22-моддасига кўра юридик шахс тугатилганда **мол-мулкни тақсимлашдан олинган,** шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги **даромадлар, бундан** муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган **мол-мулкнинг қиймати чегирилади, дивидендлар деб эътироф этилади ва тўлов манбаида 10%лик ставка бўйича солиқ солинади.** Корхонангиз ўзи илгари ҳисса сифатида киритган мол-мулкни қайтариб олди. Бироқ бунда унинг қиймати анча ўзгарди ва 50 701 303 сўмни ташкил қилди (топширган тарафнинг ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилади). Ушбу қиймат бўйича бинони баланс ҳисоби ҳисобвароқларида кирим қилиш керак.

# БУНДАН КАМ БЎЛМАЙДИ

**?** ***Иш ҳақининг оширилиши муносабати билан энг кам маошни қандай ҳисоб-китоб қилиш мумкин?***

**Амалия.**

– Бюджетдан молияланадиган ташкилотлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида амалга оширилади *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 октябрдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 218-сон қарори билан тасдиқланган).* Унга асос қилиб белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида *(2008 йил 1 сентябрдан бошлаб у Президентнинг 2008 йил 21 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4014-сон Фармонига биноан 25 040 сўмни ташкил қилади)* ноль даражали разряднинг тариф ставкаси қабул қилинади, айни шу миқдор энг кам маошдир.

Хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар энг кам иш ҳақини мустақил равишда, бироқ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган тарзда белгилайдилар.

*Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.*

## СУТНИНГ ЎРНИНИ СЎМ БОСМАЙДИ

***Корхона зарарли шароитларда банд бўлган ходимларни сут билан таъминлашга мажбур. Ушбу маҳсулот ўрнига меъёр бўйича унинг қийматига эквивалент бўлган пул компенсациясини тўлашга қарор қилинди.***

***Сут ўрнига тўланадиган пул компенсациясига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадими?***

**И.Жўраев,**
**пайвандчи.**

– Меҳнат кодекси *(217-модда)* ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга *(13-модда)* кўра меҳнат шароити зарарли ва хавфли бўлган ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта нохуш ҳароратли шароитларда амалга ошириладиган ёки ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда ходимларга давлат бошқарув органлари томонидан белгиланган меъёрлар бўйича махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа маҳсулотлар, даволаш-профилактика озиқ-овқати бепул берилади.

Бунда корхона мазкур тоифаларга мансуб ходимларни юқорида саналган воситалар, хусусан, сут ва бошқа тенг қимматли маҳсулотлар, даволаш-профилактика озиқ-овқати билан иш сменаси мобайнида таъминлаши шарт. Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу воситаларни пул компенсациялари билан алмаштиришни назарда тутмайди.

Солиқ кодексига мувофиқ *(171-модда)* юридик шахсларнинг ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мувофиқ сут ҳамда бошқа даволаш-профилактика озиқ-овқати, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича, шунингдек ходимга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш бўйича харажатлари жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди. Шу тариқа, сизга сут ёки бошқа тенг қимматли маҳсулот ўрнига тўланадиган пул компенсацияси даромад сифатида қаралади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

## БУХГАЛТЕР, СЕН НОҲАҚСАН

***Вазият тақозосига кўра ишдан бўшаганимдан сўнг бир неча йил ҳеч қаерда ишламадим. Шу йил май ойида ихтисослигим бўйича тўғри келадиган иш топдим ва меҳнат шартномаси туздим. Уни расмийлаштиргандан кейин фирма бухгалтери аввалги иш жойида ҳисоблаб ёзилган даромадлар тўғрисида маълумотнома олиб келишимни талаб қилди, акс ҳолда у менинг иш ҳақимдан энг юқори ставка бўйича даромад солиғи ушлаши керак экан.***

***Мазкур ҳолда бухгалтер ҳақлими?***

**Ю.Кабаева,**
**модельер.**



– Солиқ кодексига кўра *(186-модда)* йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ишга тушгунингизга қадар **жорий календарь йил мобайнида ҳеч қаерда ишламаганингиз сабабли, аввалги иш жойидан даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишингиз керак эмас.** Жорий даврда иш жойингиз бўлмаганлигининг тасдиғи бўлиб меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар (аввалги иш жойидан бўшаганлик санаси ва ишга қабул қилиш санаси) ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бу ҳолда янги асосий иш жойида олинган жами даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади.

## БЎНАК ТЎЛАНГАНДА ДАРОМАД СОЛИҒИ ОЛИНМАЙДИ

***Солиқ кодексининг 188-моддасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўлаш назарда тутилган. Биз пул маблағларини икки марта: бўнак (аванс) ва узил-кесил ҳисоб-китоб тарзида оламиз.***

***Тушунтириб берсангиз, бўнакни ҳисоблаб ёзиш ва олиш чоғида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолиш ва ўтказиш керакми?***

**Г.Сайрамова,**
**бухгалтер.**

– Йўқ, керак эмас. Бўнак – иш ҳақининг бир қисми, у ходимга бир ой учун ишнинг пировард натижасини ҳисобга олмасдан туриб ой тугагунча тўланади. Бўнак, одатда, вақтбай тўлаш чоғида тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 40-50%и миқдорида ва ишбай тўлаш чоғида аввалги ойнинг иш ҳақи суммасидан худди шундай миқдорда берилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб (ҳисоблаб ёзиш) ой тугаганидан кейин ишланган вақт ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳисобга олиш бўйича бошланғич ҳужжатлар асосида амалга оширилади. **Бўнакни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш чоғида ҳеч қандай солиқлар ва бадаллар тўланмайди.** Узил-кесил ҳисоб-китоб чоғида бир ой учун ходимга тўланган иш ҳақининг бутун суммасидан (бўнакни ҳисобга олган ҳолда) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоблаб ёзилади ва бюджетга ўтказилади.

Мазкур ой тугаганидан кейин банкдан иш ҳақи ҳисобидан олинган бўнак суммасида жисмоний шахслардан олинадиган тегишли даромад солиғи киритилмаган тақдирда, яъни унга доир боқимондა ҳосил бўлганда пеня банкда бўнак олинган кундан бошлаб ҳисоблаб ёзилади.

## СОВҒА ДЕКЛАРАЦИЯЛАНМАЙДИ

***Қуйидаги масала бўйича тушунтириш берсангиз: муассисларден бири муассислар таркибидан чиқиб, шерик муассисга ўз улушини совға қилди. Ҳадя шартномаси нотариус томонидан расмийлаштирилган. Совға қилаётган муассисдан ҳадя суммасидан 1% миқдорида бож ундирилган. Ҳадя олаётган муассис ҳадя қилинган улушга доир декларацияни солиқ инспекциясига топшириши лозимми? Ёки у нотариал идорада божни тўлаб бўлганми ва бошқа ҳеч қандай солиқ ва божларни тўлаши керак эмасми?***

**О.Коротун,**
**тадбиркор.**

– **Жисмоний шахсларнинг жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадларига,** бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно, Солиқ кодекси 179-моддасининг 15-бандига кўра, **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.** Шу тариқа, агар муассис ҳадя шартномаси бўйича **шерик муассис – жисмоний шахсдан** улуш олса, солиқ солиш мақсадлари учун унинг қиймати жами йиллик даромадга киритилмайди ва **унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.** Ҳадя шартномаси бўйича олинган улуш кўринишидаги даромад декларацияланмайди.

Агар улуш **шерик муассис – юридик шахсдан** олинса, бу ҳолда муассис – жисмоний шахс **тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган солиқ солинадиган** даромад олади. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини энг юқори ставка бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадларни тўловчи юридик шахслар уни имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қолади. Юридик шахс солиқ агенти сифатида солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида солиқ инспекциясига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида маълумотнома тақдим этиши шарт *(Солиқ кодексининг 186 ва 187-моддалари).* Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти ўз улушини шерик муассис фойдасига текинга берган юридик шахс зиммасига юклатилади. Совға олаётган муассис даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилаётганда улуш сифатида олинган даромад суммасини кўрсатиши керак.

## БУНДАЙ ТЎЛОВЛАР ДАРОМАД ҲИСОБЛАНМАЙДИ

***Аввалги Солиқ кодексида меҳнатда майиб бўлган ёки соғлиғига бошқача шикаст етган шахсларга имтиёз назарда тутилган эди. Бунда меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарни қоплашга, шунингдек боқувчининг вафот этиши муносабати билан олинадиган суммаларга жисмоний шахсдан олинадиган даромад солиғи солинмаган. Ушбу қоида янги Солиқ кодексида сақланганми? Бундай ҳолларда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?***

**С.Кондратенко,**
**касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**




– 2008 йил 1 январидан амалга киритилган Солиқ кодекси 171-моддаси иккинчи қисмининг 9 ва 10-бандларига кўра, **юридик шахслар тўлайдиган, меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича** қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бирйўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги **тўловлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.**

**Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:**

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бирйўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар **ҳам даромад сифатида қаралмайди.**

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига кўра *(Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган),* жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундириладиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; муаллифлик ҳақи (гонорар), вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади. Бунда барча иш ҳақи (даромад) турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қуйидагилар киритилмайди: юридик шахсларнинг устав фондларидаги қўйилмалари ёки пайлари бўйича улар томонидан олинадиган дивидендлар ва фоизлар, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича даромадлари; бир марталик тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун пул компенсациялари, меҳнат шартномаси бекор қилинганида бериладиган ёрдам нафақалари).

Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги охирги ўн икки ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги охирги ўн икки ой бўйича белгиланиши мумкин.

Ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи иш ҳақининг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Жабрланувчи зарар етказилган пайтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи жами ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўртача йиллик иш ҳақи миқдори жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Вафот этганнинг олтита ўртача йиллик иш ҳақи миқдори эса унинг ўртача ойлик иш ҳақини (даромадини) етмиш икkiга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

***Газетхонларнинг саволларига Очил ҒАНИЕВ жавоб берди.***

# ЎЗГАРИШЛАР ЎЗ БАҲОСИНИ ОЛАДИ

***Баҳолаш фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиш юзасидан кейинги вақтда кўрилган чораларни, мамлакатимиз мутахассисларининг фикрича, долзарб ва бамаврид дейишнинг ўзи кам. Бу соҳада профессионал асосда шуғулланувчилар учун қатъий қоидаларнинг жорий этилишига уларнинг бизнеси обрў-эътиборини кўтаришнинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. «Мулк Фаррух Давр» масъулияти чекланган жамияти баҳолаш компаниясининг директори Баҳодир ИНОҒОМОВнинг сўзларига қараганда, баҳоловчилар учун йилнинг энг шонли воқеаси мамлакат Президентининг 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган ПҚ-843-сон қарори**** *(бундан буён матнда қарор деб юритилади)* ***бўлди. Мазкур қарор билан Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги янги низом тасдиқланди.***

– Ўзгаришларга олдиндан баҳо бериш учун етарлича муддат ўтди. Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожлангани сари профессионал баҳоловчиларга бўлган талаб-эҳтиёж ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Кейинги йилларда бу соҳани давлат йўли билан тартибга солиш борасида қўйилган амалий қадамлар буюртмачиларни сифатсиз хизмат кўрсатилишидан, баҳоловчиларни эса ноинсоф рақобатчилардан реал тарзда ҳимоя этишга хизмат қилиши барчага аён.

***– Бугунги кунда бу бозор кўлами ва ҳажми қандай?***

– Қўлимдаги маълумотларга қараганда, мамлакатимизда июль ойи охирларига бўлган ҳолатга кўра чамаси 270–280 та баҳолаш компанияси фаолият олиб бормоқда, уларнинг раҳнамолигида эса уч мингга яқин баҳоловчи ишламоқда. Объектлар қиймати ва мулк ҳуқуқларини баҳолаш давлатимизда бозор муносабатлари ривожлана боришига ҳамқадам тармоқ сифатида юзага келди ва мустақил баҳолаш институти яратилишига зарурат пайдо бўлди. Бозорга хизмат кўрсатувчи иқтисодий йўналишдаги касблар қаторига мустақил баҳоловчи эксперт касби қўшилди.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тараққий топа боргани сари мол-мулк қийматини бозорнинг тегишли эҳтиёжлари даражасида аниқлашга бўлган талаб юзага келди. Хусусан, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг *(1999 йил 19 августда қабул қилинган 811–I-сон Қонун)* 7-моддасида таърифланишича, «*баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объекти очиқ бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.*

*Агар бирон-бир баҳолаш объектини баҳолашдан мажбурий ўтказиш талаби мавжуд бўлган норматив ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада қийматнинг аниқ тури кўрсатилган бўлмаса, мазкур объектнинг бозор қиймати белгиланиши лозим. Мазкур қоида норматив ҳужжатда баҳолаш объекти қийматининг турини аниқловчи, ушбу Қонунда ёки баҳолаш стандартларида назарда тутилмаган атамалардан фойдаланилган тақдирда ҳам қўлланилиши керак».* Қийматни баҳолаш маърифатли бозор муносабатларининг асосий унсурларидан биридир. У ёки бу объектнинг баҳосини аниқлаш масаласи бир қараганда обдон ўйланган ва ишланган кўринади. Негаки, баҳони бозор белгилайди, аниқроғи, баҳо сотиб олувчи билан сотувчи ўртасидаги келишув асосида аниқланади. Аммо бу ҳийла жўн кўринувчи талқин унча тўғри эмас. Негаки, ҳар иккала тараф турли сабабларга кўра бозорнинг қандайдир ўзига хос хусусиятини назардан қочиради, бу эса шартномавий баҳога таъсир этади. Бошқача вазиятлар ҳам бўлиши мумкин. Бозор қанчалик кўп равнақ топгани сари профессионал мутахассислар томонидан амалга ошириладиган мустақил баҳолашга бўлган талаб-эҳтиёж ҳам шунчалик ортади. Бундай фаолиятнинг натижалари сотиб олувчига ҳам, сотувчига ҳам, ўрни келганда иштирок этадиган воситачига ҳам, умуман битимдан қандайдир даражада манфаатдор бўладиганларнинг ҳаммасига ҳам боғлиқ эмас. Бирон-бир мол-мулкка нисбатан, агар унинг қийматини билмасанг, жўяли ва тўғри бошқарув қарори қабул қилиб бўлмайди дейиш мумкин. Бутун дунёда мол-мулкни (корхонани, кўчмас мулк объектини ва шу сингариларни) бошқаришнинг мақсадларидан бири унинг қиймати ошишидир деб қаралади. Ана шундай тасаввурга мувофиқ мол-мулкнинг жорий қийматини муттасил кузатиб бориш зарур.

***– Баҳолаш компанияси билан мулоқотга киришишни бошлашнинг қулай пайти қачон?***

– Хўжалик юритувчи субъект учун зарурати бўлган баҳолаш муаммоси шу субъект ташкил этилиб, устав фонди пул кўринишида бўлмаган улушлар киритиш йўли билан шакллантирилган пайтдан бошланади. **Баҳолаш хизматларининг** ана шу шакллантирилаётган бозорида яна бир муҳим омил хўжалик юритиш субъекти ривожланишнинг тўғри йўлидан бориши учун зарур бизнес режанинг муҳим қисми бўлмиш корхона мол-мулкини ва корхона келгусида оладиган даромадларини муқобил тарзда баҳолашдир.

***– Буюртмачини қизиқтирадиган асосий масалалардан бири кўрсатилаётган хизмат баҳосидир. Бу соҳа, назаримизда, бирон-бир тарзда тартибга солинмайди шекилли...***

– Ҳа, биз бозор шароитида ишлаймиз. Шунинг ўзи кўп нарсани англатади. Албатта, эътиборга олиш лозим бўлган бир қанча жиҳатлар бор. Ростини айтиб қўя қолай, баҳолаш фаолиятидаги хизматлар ҳақи барқарор эмас, бинобарин унга кўпгина омиллар ўз таъсирини ўтказади. Масалан, баҳолаш хизматлари прейскурантида умумий саҳни 1 000 квадрат метр бўлган идора биносини баҳолашда маълум бир баҳо назарда тутилган. Лекин бу объект бошқалардан ажралиб турадиган меъморий ечимга эга бўлса ва меъморчилик обидаси ҳисобланса ёки аксинча, хатланган бўлса-ю, сув тошиб анча шикаст топган бўлса, бунинг устига пиротехника омбори сифатида фойдаланилаётган бўлса, табиийки, уни баҳолаш қиймати прейскурантда кўрсатилганидан кўп ёки кам бўлиши мумкин. Баҳолаш компаниясини танлаётганда буюртмачи баҳолаш корхонасининг машҳурлиги, нуфузига эътибор бериши зарур. Аккредитация қилинганлиги, сертификат ва лицензиялари борлигидан ташқари унинг бозордаги иш тажрибасига, касбий малакасига, унга берилган тавсияларга ҳамда ҳар хил турдаги баҳолаш ишларини ўтказишга доир буюртмаларни бажариш даражасига қараш керак.

***– Баҳолаш компанияси хизматларига бўлган корхона талаб-эҳтиёжларининг ўртача кўрсаткичи борми?***

– Жисмоний шахс томонидан корхона бизнесида ва амалий ишларни олиб боришда кўпинча баҳолашни ўтказиш зарурати юзага келади. Баҳо норматив талабларга қатъий таянган ҳолда аниқланади. Банкротлик ҳолатида корхонани баҳолаш мажбурлиги талабини мисолга олайлик. Бошқа ҳар қандай вазифани бажаришда бўлгани каби бунда ҳам битта иш жараёнининг ўзида турли жиҳатлар бўлиши мумкин.

Баҳоловчиларга мурожаат этиш объектнинг тўлиқ, холисона ва мустақил баҳосини олишнинг зарур шартидир.

***– Ходимнинг малакасини ҳар йили ошириб бориш шарт эканлиги яна бир янгиликдир. Амалиёт нуқтаи назаридан бу ўзини қанчалик оқлайди?***

– Ҳозирги вақтда Давлат мулки қўмитаси баҳоловчиларнинг касб тайёргарлиги даражасини оширишга жуда диққат билан эътибор бермоқда. Қўмитанинг **баҳоловчилар малакасини** баҳолаш назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг замонавий даражасига монанд бўлган дастурлар асосида **изчиллик билан оширишга доир** талабини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Тез ўзгарувчан бозор шароитида бунчалик мураккаб ва нозик соҳага тааллуқли барча нарсалардан хабардор бўлиб бориш зарур. Кўп нарса ўқитиш даражасига ҳам боғлиқ. Давлат мулки қўмитаси томонидан аккредитация қилинган республика бизнес мактаби билан қатор йиллардан бери фаол тарзда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бизнинг назаримизда, у касб борасида қайта тайёргарликнинг зарур даражасини таъминлай олаётган саноқли таълим марказларидан биридир. Баҳоловчиларни қайта тайёрлашнинг Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳар йилги дастури баҳолаш назарияси ва амалиёти асосларини, молиявий математика унсурларини, кўчмас мулкни, машина ва ускуналарни, автотранспорт воситаларини баҳолаш усулларининг хусусиятларини, шунингдек асосий фондларни қайта баҳолаш масалаларини қамраб олган.

Қарорда буюртмачи учун кафолатлар таъминланишига доир катта талаблар мужассам этилган. Бу кафолатлар **раҳбарнинг касб малакасига оид** мажбурий шартларда, яъни унда баҳоловчининг малака сертификати бўлиши шарт эканлигида, шунингдек устав капиталининг миқдорига доир қоидада ўз аксини топган бўлиб, хусусан устав капитали миқдори кўчар мол-мулкни баҳоловчи ташкилотларда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1 500, кўчмас мулкни баҳоловчи ташкилотларда – камида 2 000 ва бизнесни баҳоловчи ташкилотларда – камида 2 500 баробарига тенг миқдорда бўлиши шарт деб белгиланган.

***– Иложи бўлса, шу жиҳатга муфассалроқ тўхталсангиз. Чунки ҳамма компания ҳам «Мулк Фаррух Давр» масъулияти чекланган жамиятига ўхшаб бизнесни чамалаб кўришга қодир эмас...***

– Бизнесни баҳолаш кўпгина омилларга боғлиқ эканлиги учун ҳам жуда мураккаб иш ҳисобланади. Компаниямиз бозорда ўз обрў-эътиборини юқори тутиб келмоқда. Биз фаолиятимиз қабул қилинган қонун ҳужжатларининг талабларига ва Баҳолаш стандартларига** қатъий мувофиқ ҳолда бўлишига ҳаракат қиламиз. Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги низомнинг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш» деб номланган бешинчи бўлимига *(Президентнинг ПҚ-843-сон қарорига илова)* кўра **устав фондининг миқдори** энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2 500 баравари миқдорида бўлиши керак (шу ойдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи 25 040 сўм эканлиги эътиборга олинса, бу 62,6 миллион сўмни ташкил этади. – ***Муаллиф изоҳи).*** Қонун ҳужжатида бизнинг бозор учун белгиланган яна бир янгилик **фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш** талаби бўлиб, бу талабни бажаришга ҳам имкон қадар масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилдик.

***– Баҳолаш компаниялари ўз ички регламентини тасдиқлаш масаласини қай йўсинда ҳал этадилар?***

– Ҳадемай республика бизнес мактаби мутахассислари билан биргаликда ички регламентни ишлаб чиқишни охирига етказамиз, унда компаниямизнинг баҳоловчилари иш сифатини назорат қилишга доир талабларимизни қонун ҳужжатлари талабига мувофиқлаштирмоқдамиз. **Ички регламентнинг** мажбурий тартибда **жорий этилиши** ҳамда баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишга оид талаблар аниқ бажарилиши бугунги кунда бағоят долзарблик касб этмоқда деб ҳисоблайман. Ҳамонки баҳолаш компаниясининг ички талаблари қонунга қатъий мувофиқ бўлар экан, ҳаммаси жойида деяверинг. Шу зайил кўрсатадиган хизматлари сифати учун биринчи навбатда баҳолаш компаниясининг ўзи кафил бўлади, давлат нуқтаи назаридан эса бу ўзига хос тарздаги қўшимча муҳофаза омили бўлиб қолади.

***P.S. Ҳозир баҳолаш компанияларига лицензия бериш бошланди. Баҳолаш ташкилотлари фаолиятининг тубдан яхшиланишига эришишга давлат қатъий аҳд қилганлигини баён этиб, мамлакатимиз баҳолаш бозорида эртага кимлар иш кўришини Давлат мулки қўмитаси тимсолида баҳолаш ва ҳал этишни бошлайди.***

***Эльвира ЯГУДИНОВА,***
***«СБХ» мухбири.***

---

** «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида».*

*** Давлат мулки қўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 июлда 1604-сон билан рўйхатга олинган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси мол-мулкни баҳолаш миллий стандарти (1-МБМС) «Баҳолашнинг умумий тушунчалари ва принциплари».*

---

**Биласизми?**

## ЭНГ ҚАДИМГИ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИ КИМ ТУЗГАН?

Маълумки, замонавий ҳисоб отаси Лука Пачоли ҳисобланади. Унинг асосий ижодий мероси – икки асосий қоида ўрин олган иккиёқлама ёзув тавсифи. Бу қоидалар Пачоли постулатлари номини олган. Биринчи қоидада айтилишича, дебет айланмалари суммаси ҳар доим ўша ҳисобварақлар тизимининг кредит айланмалари суммасига айнан мос келади, иккинчи қоидада эса – дебет сальдолари суммаси ҳар доим ўша ҳисобварақлар тизимининг кредит сальдолари суммаси билан айнан бир хилдир. Пачоли балансни ўрганишга анча кўп вақт сарфлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кўпгина олимлар Пачолидан кейин ҳам ўзгача баланс шаклини тузишга уриниб кўришган. Натижада биз бугунги кунда ўз ишимизда «Бухгалтерия баланси» шаклидан фойдаланяпмиз. «Замонавий ҳисоб отаси»га қадар ҳам баланс тузганлар бўлганмикан? Бир киши бўлган экан. Уни Франческо Датини деб аташган. У, моҳиятан, энг қадимги бухгалтерия балансини тузган кишидир.

## ФРАНЧЕСКО ДАТИНИНИНГ ЎЗИ КИМ?

Франческо Датини машҳур савдогар ва молиячи бўлган. У Флоренциядаги кичик расталарда зиравoрлар, тақинчоқлар, жун сотувчиси бўлиб ишлаганда, савдо-сотиқ ва ҳисоб асосларини ўрганган. Тез орада у ўз компаниясига асос солган, бу компания Тоскания мануфактураларининг жун, мўйна ва газламаларини экспорт қилишга ихтисослашган эди.

1390 йилларнинг биринчи ярмида Датини савдо компаниясида дастлабки йиллик бухгалтерия балансини – ҳозиргисининг прототипини тузган. Барча ҳужжатлар эски итальян тилида ёзилган эди, мана бир неча йилдирки, Ф.Датини номидаги Халқаро иқтисодиёт тарихи институти бу ҳужжатлар таржимаси билан машғул.

XIX асрда Датини уйини таъмирлаш чоғида тасодифан яширин жойдан унга тегишли архив топилган. Унда 150 000 га яқин шахсий ва ишга оид хатлар, векселлар, чеклар, суғурта қоғозлари, кафолатномалар ва бошқалар бор эди.

Ҳар бир бўлим бўйича қарздорлар ва кредиторлар китоблари, бухгалтерия савдо китоби, гаровлар бўйича харажатлар китоби алоҳида ўрин тутади. Ҳисобга оид китобларда дебет ва кредит алоҳида-алоҳида ажратилган.

Унга тегишли фирманинг бош ваколатхонаси доирасида махфий китоб тузилган эди, унга контрагент компаниялар, моддий захиралар, фойда миқдори ҳақида маълумотлар, шунингдек тузилган шартномалар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар киритилганди.

Шундай қилиб, айни Франческо Датинига қарашли компанияда тарихда биринчи марта ҳужжатлар асосида тасдиқланган, ҳисобварақлар бўйича операцияларни акс эттиришнинг иккиёқлама ёзувини қўллаш тамойилини топиш мумкин.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»;

– «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

– ЎзР МББнинг «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 31-32-сон, 303-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сон Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 1,2 баравар оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда 1-3-иловаларга мувофиқ 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Директор жамғармаси маблағлари:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, икки ҳафта муддатда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда:

махсус комиссиянинг ҳуқуқлари ва масъулияти, унинг мажлисларини ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамаларнинг аниқ миқдорларини белгилаш тартиби;

Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш тартибини ва бунинг учун мансабдор шахсларнинг масъулияти;

махсус комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа масалалар белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Уларда:

педагог ходимлар касб малакасини, билим даражасини ва педагогик маҳоратини баҳолашнинг улар малакаси холисона баҳоланишини таъминловчи мезонларини такомиллаштириш, шунингдек педагогнинг ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг малака даражаси ёмонлашган тақдирда белгиланган лавозимни ёки тоифани пасайтириш;

педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра лавозимни ёки малака тоифасини ошириш (пасайтириш);

ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинадиган тартибни белгилаш;

лавозимга тайинлаш ёки малака тоифаси бериш учун зарур бўлган энг кам стаж муддатларини белгилаш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази:

2008 йил 1 сентябргача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш юзасидан, айниқса жойларда зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширсин;

ҳар бир йил якунларига кўра, очиқлик ва ошкоралик шартларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини тайёрлаш даражаси, уларни ишга жойлаштириш ёки уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши бўйича рейтинг баҳоланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2008-2009 йиллар мобайнида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг барча педагог ходимларини, ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказсин ҳамда унинг натижаларига кўра ходимларга тегишли малака тоифаларини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси (Р.С.Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мониторинг асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва баъзилари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 1 август*
*165-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари МИҚДОРЛАРИ**

*(сўм)*

| *Т/р* | *Номи* | *Академик лицей ўқитувчиси* | *Касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси* |
|---|---|---|---|
| 1. | Бош ўқитувчи | 218690 | 206578 |
| 2. | Етакчи ўқитувчи | 206578 | 194649 |
| 3. | Катта ўқитувчи | 194649 | 182266 |
| 4. | Олий маълумотли ўқитувчи | 182266 | 170179 |
| 5. | Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи | 170179 | 159003 |

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бошқа педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари МИҚДОРЛАРИ**

*(сўм)*

| *Т/р* | *Лавозимлар номи* | *Тариф ставкалари миқдорлари:* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *олий малака тоифали* | *биринчи малака тоифали* | *иккинчи малака тоифали* | *олий маълу-мотли* | *ўрта махсус маълумотли* |
| 1. | Маданият ва санъат академик лицейлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари концертмейстерлари | 182266 | 170179 | 159003 | 147891 | 137176 |
| 2. | Олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчиси | 162934 | 152162 | 142274 | 132447 | 122967 |
| 3. | Касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси | х | 153427 | 142743 | х | х |
| 4. | Академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг психологи, тарбиячиси, методисти | 153427 | 142743 | 132440 | 122545 | 113057 |

(сўм)

| Т/р | Лавозимлар номи | Тариф ставкалари миқдорлари: олий малака тоифали | биринчи малака тоифали | иккинчи малака тоифали | олий маълумотли | ўрта махсус маълумотли |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Спорт коллежи тренер-ўқитувчиси, олимпия захиралари коллежи инструктор-методисти | 143602 | 134144 | 125545 | 117002 | 108758 |
| 6. | Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўгарак раҳбари | х | 128705 | 118408 | 108518 | 99065 |
| 7. | Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг концертмейстерлари | 125545 | 117002 | 108758 | 100841 | 93244 |

***Изоҳ.** Малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарига касб-ҳунар коллежларида базавий тариф ставкалари 132440 сўм миқдорида белгиланади.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*3-ИЛОВА*

## Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

| Т/р | Лавозимлар номи | Тариф ставкалари миқдорлари: I гуруҳ | II гуруҳ | III гуруҳ | IV гуруҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Директор | 340754 | 323264 | 306166 | 289209 |
| 2. | Директорнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари | 323264 | 306166 | 289209 | 272509 |
| 3. | Чақирилувгача тайёргарлик раҳбари | 218690 | 206578 | 194649 | 182266 |
| 4. | Жисмоний тайёргарлик раҳбари | 182266 | 170179 | 159003 | 147891 |
| 5. | Касб-ҳунар коллежининг катта устаси | 161101 | 150146 | 139410 | 128705 |
| 6. | Касб-ҳунар коллежи ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси мудири | 118408 | 118408 | 118408 | 118408 |

***Изоҳ.** Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълимнинг ихтисослик йўналишлари бўйича бўлим мудирлари базавий тариф ставкаларининг миқдорлари бўлимда таълим олаётган ўқувчилар контингентидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:*

150 нафардан 300 нафаргача — 108518 сўм.
301 нафардан 450 нафаргача — 118408 сўм.
541 нафардан 600 нафаргача — 128705 сўм.
601 нафар ва ундан ортиқ — 139410 сўм.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*4-ИЛОВА*

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши:

бюджет ташкилотлари учун қўлланиладиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат бошқаруви органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг иш ҳақи базавий тариф ставкасини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

### II. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАРИФ СТАВКАЛАРИ (ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИ)

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларининг лавозим маошлари:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланадиган базавий тариф ставкалари;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари:

ходимнинг лавозимига;

ходимнинг малака тоифасига;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги жадвалга биноан ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасисининг типи | Контингент сони (киши) | | | |
|---|---|---|---|---|
| | I гуруҳ | II гуруҳ | III гуруҳ | IV гуруҳ |
| Академик лицей | 851 нафар ва ундан ортиқ | 651 — 850 | 401 — 650 | 400 нафаргача |
| Касб-ҳунар коллежи | 1051 нафар ва ундан ортиқ | 751 — 1050 | 451 — 750 | 450 нафаргача |

4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланадиган талабларга, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари лавозимларининг малака тавсифларига мувофиқ ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари белгиланади.

Педагог кадрлар лавозимларига тайинлаш юқорида кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Спорт бўйича тренер-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш нормативлари, уларнинг иш ҳақини ҳисоблаш тартиби, спорт коллежлари ва олимпия захиралари коллежларининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича хизматчилари лавозимларининг малака тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган низомларга мувофиқ белгиланади.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкасини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида бошқа лавозимга ўтганда;

ходимнинг лавозими ёки малака тоифаси ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда) амалга оширилади.

Базавий тариф ставкасини ўзгартириш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий тариф ставкалари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

6. Ходим ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг бир муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий тариф ставкаси ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

7. Олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги умумтаълим, умумий касб ва махсус цикллар педагогик лавозимларига қабул қилишга йўл қўйилмайди.

8. Олий таълим муассасаси бакалавриатининг охирги курсида ўқиётган шахслар педагоглик ишини амалга оширишга қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

## III. УСТАМАЛАР ВА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР

9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун Директор жамғармасидан тўланадиган, тегишли лавозим ёки малака тоифасидаги ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгиланади.

10. Базавий тариф ставкасига қўшимча тўловларнинг қуйидаги турлари белгиланади:

гуруҳ раҳбарлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

ёзма ишларни текшириш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ўқув ва лаборатория кабинети мудирлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Кўрсатиб ўтилган қўшимча тўловлар ушбу қўшимча тўловларни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағларидан амалга оширилади.

11. Ушбу Низом кучга кирган вақтда амалда бўлган ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга устама ҳақлар сақланиб қолади ва уларнинг миқдори ходимнинг базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

## IV. МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

12. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

кетма-кет икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда;

бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг педагогик иши учун;

ўрнини босиш тартибида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари томонидан ўтилган ўқув соатлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг раҳбар ходими томонидан асосий лавозимнинг бир йилда 360 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкламаси юритилишига) йўл қўйилади.

## V. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТНИ НОРМАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

15. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатини нормалаштириш шахсий йиллик иш режаларига асосланган.

Йиллик иш режаси ўқув, ўқув-методик, илмий, илмий-методик, ташкилий-методик, ташкилий-педагогик ва маънавий-маърифий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

Ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси бир йилдаги 1540 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда иш-

лаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг йиллик иш режаси 40 соатлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, у ўқув юкламасининг назарий ва амалий компонентлари, ишлаб чиқариш таълимини, тарбиявий ишларни амалга ошириш учун материаллар қисмини тайёрлаш бўйича тақсимлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш вақти нормативлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланади.

16. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун якка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Йиллик (семестр) иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади.

17. Шахсий йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарияти ўқитувчининг ўқув юкламаси соатлари ҳажмини умумий белгиланган нормативларга нисбатан камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. Бунда ўқув юкламасининг белгиланган нормативларига тузатиш киритиш ҳажми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган намунавий режадагига нисбатан камайтириш ёки кўпайтириш томонга 30 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

18. Алоҳида ҳолларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимнинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек ўзининг асосий иши билан биргаликда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши иш вақтининг нормал давом этиш муддатининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

19. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ва ишлаб чиқариш таълими устаси йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг бошқа коллегиал органи мажлисида ҳар йили камида бир марта ҳисобот беради.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*5-ИЛОВА*

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАСИНИНГ ДИРЕКТОР ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, профессионал тайёргарликни рағбатлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига, ўқувчиларда профессионал кўникмалар шаклланишига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, касб маҳорати ва малака ўсишини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси (кейинги ўринларда «Директор жамғармаси» деб юритилади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этилади.

Мазкур Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари киради.

3. Директор жамғармаси маблағлари:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фақат юксак касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифати ошишига аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилашга;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатишга (алоҳида ҳолларда) йўналтирилади.

4. Рағбатлантириш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун туман, шаҳар, вилоят ва республиканинг энг иқтидорли ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари илғор тажрибасини ва фаолияти самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тавсия этилади.

### II. ДИРЕКТОР ЖАМҒАРМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

5. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларда белгиланган тартибда назарда тутиладиган бюджет ажратмалари Директор жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

6. Директор жамғармаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ташкил этилади (имкониятлари чекланган ва жисмоний ривожланишида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда эса — 25 фоиздан ортиқ эмас).

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори молия йили учун Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида назарда тутилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга бюджет харажатлари ҳажмидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори республиканинг барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бўйича ягона ҳисобланади.

7. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори Давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга улар харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, вазирликлар (идоралар) ва молия органларига етказилади.

8. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таъминотига харажатларнинг сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг тегишли органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бўйича ушбу харажатларга фоиз нисбатида белгиланган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланган Директор жамғарма-

си маблағларини ажратиб кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

9. Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси таъминоти харажатлари сметасида назарда тутилади, улар 01100 «Иш ҳақи» моддасига киритилади, 01130 «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари» бюджет классификацияси коди бўйича сметага ҳисоб-китобларда алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади.

10. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар, мукофотлар ҳамда моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

11. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланадиган белгиланган устамалар, бир йўла бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам суммаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг Директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## III. ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАЛАРИГА УСТАМАЛАР БЕЛГИЛАШ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БИР ЙЎЛА БЕРИЛАДИГАН МУКОФОТЛАР ТЎЛАШ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИШ ТАРТИБИ

12. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг юқори ва ҳудудий бошқарув органларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашувига йўл қўйилмайди, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия таркиби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарининг буйруғи билан, камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади ва унга қуйидагилар киради:

директор — комиссия раиси;

директорнинг ички мониторинг ташкил этилиши учун масъул бўлган ўқув ишлари бўйича ўринбосари — комиссиянинг масъул котиби;

педагогик кенгаш томонидан тайинланадиган педагогик жамоанинг камида икки нафар вакили;

касаба уюшмаси ташкилоти раиси;

васийлик кенгаши вакили;

ота-оналар қўмитасининг вакили.

14. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар бериш ва моддий ёрдам кўрсатиш очиқ муҳокама қилиш шароитларида ва Директор жамғармасида назарда тутилган маблағлар доирасида махсус комиссиянинг мажлисларида қабул қилинади.

Махсус комиссия мажлислари ярим йилда камида бир марта, истисно ҳолларда эса заруриятга кўра ўтказилади. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг олдинги ўқув давридаги (семестр, ўқув йили) ишини баҳолаш якунлари бўйича ҳамда айрим ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари иш сифатидаги аниқланган ўзгаришлар асосида белгиланган устамалар миқдорлари махсус комиссиянинг қарори билан қайта кўриб чиқилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгиланган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари сони бир вақтнинг ўзида улар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

## IV. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН УСТАМАЛАР, БИР ЙЎЛА БЕРИЛАДИГАН МУКОФОТЛАР ВА МОДДИЙ ЁРДАМ МИҚДОРИ

15. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига базавий тариф ставкасининг 40 фоизи миқдоридаги ҳар ойлик устамалар:

касб маҳорати ва ўқув жараёнига шахсий ҳисса қўшганлиги, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда чуқурлаштирилган ихтисосли табақалаштирилган ўқитишдаги юксак самарадорлик ва сифат учун, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган тегишли гуруҳлар ва ўқув фанлари учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари билан белгиланган билимлар ва кўникмаларнинг зарур ҳажми ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига қараб, тарбиявий жараённинг, аудиториядан ташқари ишларнинг сифати ва уни амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ равишда улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялашга шахсан қўшган аниқ ҳиссаси учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига;

ўқувчиларнинг профессионал майллари, малака ва кўникмаларини ривожлантирганлик учун, тегишли гуруҳлар учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари билан белгиланган профессионал билим ва кўникмаларнинг тўлиқ ҳажми ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасига қараб, улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялашга шахсан қўшган аниқ ҳиссаси учун касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталарига белгиланади.

16. Директор жамғармаси маблағларидан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига устамалар миқдори ўқувчиларнинг ўзлаштиришига, уларнинг профессионал малака ва кўникмаларни эгаллаш даражасига, уларнинг таълим стандартларига мувофиқлигига, шунингдек ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши сифатига боғлиқ бўлган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

17. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ходимларига, шунингдек ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга ошираётган ўқитувчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

18. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси ҳисобига ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув семестри якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

19. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг

айрим ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилади.

20. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо).

21. Махсус комиссиянинг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги қарорлари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғи чиқарилади.

### V. ДИРЕКТОР ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Директор жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширади.

23. Устамаларни белгилаш учун тақдим этилган маълумотларнинг холислиги, ошкоралиги ва тўғрилиги ҳамда уларни белгилаш тартибига риоя қилиниши учун махсус комиссиялар раҳбарлари жавоб берадилар.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига*
*6-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛАЁТГАН ЁКИ 2008 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТАЁТГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорларининг 23-бандидаги «ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 29-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 августдаги 327-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 375-сон қарорининг охирги хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА СЕРТИФИКАТЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 33-сон, 315-модда)*

Спорт инвентарлари сифатини таъминлаш мақсадида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «2008 — 2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги 26-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда; 2008 й., 5-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 8 август*
*176-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 8 августдаги 176-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Қуйидаги мазмундаги 36¹-позиция қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 36¹. | Чармдан тайёрланган буюмлар (бокс қўлқоплари, снаряд қўлқоплари ва бокс лапалари) | 4203 21 000 0* |

2. 47-позициянинг «Номи» устунидаги «болалар ассортименти» сўзларидан кейин «ва бокс пойабзаллари» сўзлари қўшилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 47¹-позиция қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 47[1]. | Спорт учун бош кийимлар | 6506 10 800 0*,<br>6506 91 000 0* |

4. 61-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 61. | Ўйинчоқлар, болалар ўйинлари, спорт инвентарлари | 9503 00,<br>9506 40 100 0*,<br>9506 51 000 0*,<br>9506 61 000 0*,<br>9506 62 100 0*,<br>9506 62 900 0*,<br>9506 69 900 0*<br>(медицинбол),<br>9506 91* |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2007 ЙИЛ 28 АПРЕЛДАГИ 86-СОН ҚАРОРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 33-сон, 320-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 3 июлдаги 842–I, 513–I-сонли қўшма қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 4-сон, 22-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 12 август*
*183-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## БАНК КАССАЛАРИДАГИ НАҚД ПУЛ ҚОЛДИҚЛАРИГА ЛИМИТЛАР БЕЛГИЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 апрелда 1598-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 142-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–822-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2006 йил 21 июль, рўйхат рақами 1598) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк***
***Бошқаруви раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 12 апрель*
*9/2-сон.*

***2008 йил 3 майдан кучга киради.**

*Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 12 апрелдаги 9/2-сонли қарори билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

### БАНК КАССАЛАРИДАГИ НАҚД ПУЛ ҚОЛДИҚЛАРИГА ЛИМИТЛАР БЕЛГИЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1-банднинг учинчи хатбошидаги «банк кассаларидан қилинадиган ўртача бир кунлик нақд пулдаги чиқимлар» сўзлари, «банклар мижозларининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банд қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказий банк белгиланган нақд пул захираларининг энг кам миқдорини иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда, мутаносиб равишда ўзгартириш бўйича тезкор чораларни кўриб боради»;

3. 14-банддаги «қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181 ва 182-моддаларига мувофиқ интизомий чоралар қўлланилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

## «ИШ БЕРУВЧИ»НИ ҚИДИРЯПМАН

**?** ***Бир ой аввал ўз резюмеларимни бир неча фирмага электрон ва почта манзиллари бўйича юборган эдим. Бироқ ҳозиргача улар мени ишга қабул қилган ёки қилмаганликларини маълум қилишгани йўқ. Ана шу ноаниқлик туфайли мен бошқа ишни қидира олмаяпман. Марҳамат қилиб айтсангиз, қонунчиликда маъмуриятни ишга қабул қилганлик ёки қабул қилишни рад этганлик тўғрисида ёзма жавоб беришга мажбур этадиган меъёр мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар қандай муддатда жавоб беришлари керак?***

– Меҳнат кодекси 57-моддасининг иккинчи қисмида шундай дейилади: *«Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир»*. Ҳозирги вақтда қонунчиликда «иш берувчига бевосита мурожаат қилиш» деб айни нимани ҳисоблаш кераклиги тушунтирилмаган. Фикримизча, у шахснинг мазкур корхонада ишлаш хоҳишини яққол ифодалайди. Масалан: «Мени ишга қабул қилишингизни сўрайман».

Қонун ифодалаш шакли тўғрисидаги талабларни ўз ичига олмаган. Бироқ, одатда, ишга қабул қилиш тўғрисидаги хоҳиш ифодаси директор номига ёзма ариза билан расмийлаштирилади, у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Агар бундай аризага жавоб берилмаса ёки қабул қилиш рад этилса, ходим иш берувчидан ишга қабул қилишни рад этиш ёзма асосланб берилишини талаб қилишга ҳақлидир. У **бундай талаб берилган пайтдан бошлаб** уч кун мобайнида берилиши (у ҳам ёзма равишда расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқдир) ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланиши лозим *(Меҳнат кодексининг 78-моддаси)*. Агар сизга ёзма жавоб берилмаса ёки уни бериш рад қилинса, ишга қабул қилишни рад этиш устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Бироқ сиз баён этган ҳолатда резюме – жисмоний шахснинг ишбилармонлик хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумотлар берилган ҳужжатни юборгансиз. Ташкилот ҳар куни ўнталаб бундай резюмеларни олиши мумкин. У резюмеларнинг ҳар бирига жуда кўп бўлганлиги учун эмас, балки ишга қабул қилиш тўғрисидаги ариза ҳисобланмаслиги ва иш берувчига нисбатан қатъий ифодаланган мурожаат эмаслиги боис жавоб беришга мажбур эмас. Агар сизнинг резюмеингизга жавоб беришмаса, демак уни ҳали кўриб чиқишга улгуришмаган ёки уларнинг бирорбир мезонлари бўйича тўғри келмайсиз.

> **МУКАММАЛ СУҲБАТЛАШУВ** — ДАРВОҚЕ
>
> *Бўш ўринга ҳар томонлама мос келадиган талабгорни суҳбатлашув босқичидаёқ аниқлаш мумкин. Мустақил экспертлар талабгорлар иш берувчи билан дастлабки учрашувда йўл қўядиган хатолар рейтингини тузиб чиқдилар.*
>
> *Маълум бўлишича, кеч қолиш энг катта хато ҳисобланади. У энг кўп асабга тегадиган нуқсон деб ҳам тан олинди. Ундан кейинги ўринда учрашувларни бошқа кунга кўчиришлар ва бекор қилишлар, номзодни нохуш ташқи кўриниши, суҳбатлашувга тайёргарлик кўрилмаганлиги (бўлғуси иш берувчи тўғрисида ахборотдан хабардор бўлмаслик), резюмедаги нотўғри маълумотлар, мулоқот қила олмаслик туради. Ўзига ҳаддан ташқари ишониш рейтингни якунлайди. Қисқаси, ушбу бандларни бартараф этибгина, олдиндан иш берувчининг ишончига сазовор бўлиш мумкин.*

**?** ***Мен бир фирмада офис-менежер бўлиб ишлардим. Бироқ бошқа фирманинг директори уникг фирмасига ўтишимни сўради. Мен узоқ вақт рози бўлмай келдим ва у энг яхши меҳнат шароитларини таклиф қилди. Аввалги ишимдан бўшадим. Бироқ ишга таклиф қилган директор мени ишга олишдан бош тортиб, менга таклиф қилган лавозимга бошқа ходимни олганлигини айтди. Мен нима қилишим керак? Унга қандайдир йўл билан таъсир этиш мумкинми?***

## ОҒЗАКИ ВАЪДАЛАРГА ИШОНМАНГ

– Меҳнат кодекси 78-моддасининг биринчи қисмига кўра ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди, унга кўра, хусусан, иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик ҳам ғайриқонуний рад қилиш ҳисобланади. Қонунчилик бундай таклиф қандай шаклда ифодаланиши кераклигини белгиламайди. Бироқ уни тасдиқлаш учун ёзма таклифни талаб қилиш лозим. Қонунчиликда кутиш муддати ҳам белгиланмаган. Масалан, сизни ишга таклиф қилишди, сиз эса фақат бир йилдан кейин ишга келмоқчисиз. Шу боис сиз ўйлаб олиш ҳуқуқига эга бўлган муддатни ҳам келишиб олишингиз муҳим.

Сизнинг ҳолатингизда Меҳнат кодексининг 78-моддасида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланишингиз мумкин: ишга қабул қилиш рад қилинишининг ёзма асосини талаб қилинг, ёзма асос у талаб қилинган пайтдан бошлаб уч кун мобайнида берилиши керак. Агар жавоб сизни қониқтирмаса, рад қилиш устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлисиз. Меҳнат кодекси 269-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра бундай низо туман (шаҳар) судларида кўрилиши керак. Шуни эътиборда тутингки, ходимнинг аризасини кўриб чиқишни низо меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилмаганлигига асосланиб рад қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Суд томонидан ишга қабул қилишни рад этиш ғайриқонуний деб тан олинган тақдирда, иш берувчи сиз билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек мажбуран ишланмаган вақтнинг ҳаммасига иш ҳақи тўлашга мажбур қилиниши мумкин.

## ШАРТНОМА ТУЗИШНИ УНУТИШГАН

**?** ***Ходим ишга қабул қилинган, бироқ ўз вақтида у билан меҳнат шартномаси тузилмаган бўлса, нима қилиш керак?***

– Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра ходимни ишга қабул қилишни расмийлаштиришнинг лозим тартиби қуйидагича: аввал меҳнат шартномаси тузилади, унга асосан иш берувчининг ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади. У меҳнат шартномасининг мазмунига тўлиқ мувофиқ бўлиши ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олиниши керак. Бироқ ушбу модданинг олтинчи қисмига кўра ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан[1] ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, **ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.** Шу тариқа, агар ходим ўз мажбуриятларини бажаришга киришса ва уни ишга қабул қилганлар бундан хабардор бўлишса, бу ҳол меҳнат шартномаси тузилганлигидан гувоҳлик беради (Меҳнат кодекси 74-моддасининг биринчи қисмида ёзма шакл назарда тутилганлигидан қатъи назар). Бироқ бу кейинчалик у лозим даражада, – яъни Меҳнат кодексининг 72-76-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак эмаслигини билдирмайди.

> **МЕҲНАТДАГИ КАМСИТИШ** — ДАРВОҚЕ
>
> *Россия ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари маркази ходимлар кўпроқ қачон меҳнатдаги камситиш ҳолларига тўқнаш келишларини аниқлади. Маълум бўлишича, биринчи ўринда – ишга қабул қилиш чоғида, иккинчи ўринда – иш ҳақи ва мукофотлар берилаётганда, учинчи ўринда – иш ҳажми асоссиз равишда оширилганида камситишлар мавжуд экан. Тадқиқотчиларнинг фикрича, камситишни ўрганиш чоғидаги асосий қийинчилик – иш берувчилар ва ходимларнинг «камситиш» тушунчасини яхши билмасликларидир. Тадқиқот якунлари камситилаётган ходимларнинг иш ҳақи камситилмайдиган ходимларникига қараганда 13 фоиз камлигини кўрсатди.*
>
> *Меҳнатдаги камситиш сабаблари сирасида қуйидагилар айтилди: ёш, яшаш жойи, оилавий аҳвол, ташқи кўриниш, шахс хусусиятлари ва жинсий мансублик. Чунончи, гендер камситилиш Россияда ҳозирча меҳнат бозорида камситишнинг асосий тури ҳисобланган ёшдаги камситишдан анча орқада келмоқда. Умуман олганда сўров меҳнатдаги камситиш муаммоси ходимлар учун асосий муаммо ҳисобланмаслигини кўрсатди.*

[1]*Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади. Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади (Меҳнат кодексининг 82-моддаси).*

***Газетхонларнинг саволларига «Norma» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.***

# ШАРТНОМА ҒОЯТДА ЗАРУР

## ёки фирмага жамоа шартномаси керакми?

***Кўп ташкилотларнинг раҳбарлари, баъзан ходимлари ҳам жамоа шартномалари фақат йирик компанияларга зарур, бундай ҳужжатдан фойда кам деб ҳисоблайдилар. Бироқ хулоса чиқаришга шошилманг. Зеро у туфайли фирма директори ходимларга оид бир қатор муаммоларни ҳал қилиши мумкин.***

### ХОДИМЛАР БИЛАН НИМАЛАР ХУСУСИДА КЕЛИШИЛАДИ

Компаниянгиз фаолиятида кўпинча юзага келадиган энг долзарб муаммоларни ҳал қилишни айни жамоа шартномасида назарда тутиш мумкин. У қандай кўринишда бўлиши ва нималарни ўз ичига олиши кераклигини мустақил равишда белгилашни қонун чиқарувчи тарафларга ишонди. Айни вақтда Меҳнат кодекси (МК)да тарафлар келишиб олиши мумкин бўлган қоидаларнинг қуйидаги рўйхати *(батафсил эмас!)* келтирилган *(МК 37-моддаси)*:

– меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

– нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

– ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;

– иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;

– ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;

– корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

– ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар;

– ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;

– иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритилиши миқдорлари ва муддатлари;

– жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш.

Жамоа шартномасига корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган меъёрлар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга устамалар, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Ходимлар учун унинг фойдали жиҳати яққол кўринади, зеро иш берувчи жамоа шартномасида кўпгина тартибга солинмаган масалаларни қайд этади. Бунинг устига унда ходимлар учун қўшимча тўловлар ва имтиёзларнинг кафолатлари келтирилади.

Иш берувчи ҳам бундай битим қоидаларидан фойда олиши мумкин. Жамоа шартномасининг шартларини бажара бориб, ходимлар тўсатдан бирор-бир, масалан, иш ҳақини ошириш тўғрисида талаб қўйишларидан қўрқмаслик мумкин. Шартнома иш кучига бўлган харажатларни режалаштириш учун ҳам қулай. Бироқ, афсуски, ҳатто агар жамоа шартномасида моддий неъматларни тақдим этиш назарда тутилган бўлса ҳам, амалдаги қонунчилик солиқ солинадиган фойдани белгилашда фирмага ўзининг барча харажатларини мазкур тўловларга киритиш ёки уларнинг катта қисмини ягона ижтимоий тўловга ҳисобламаслик ҳуқуқини бермайди.

### ШАРТНОМАНИНГ ЁШИ

Тарафлар шартномани имзолаганидан кейин у кучга кирган деб ҳисобланади. Айни вақтда унинг амалга кириш санасини мундарижадаёқ қайд этиш мумкин. Шартнома тарафлар белгилаган муддат давомида амал қилади. Бироқ белгиланган муддат тугагач ҳам, тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча у амалда бўлади *(МК 41-моддаси)*.

Агар у бош ташкилот томонидан тузилган бўлса, барча ходимларга, шу жумладан алоҳида бўлинмалар ва филиалларнинг ходимларига ҳам татбиқ этилади. Агар таркибий бўлинмаларга юридик шахс ҳуқуқлари берилган бўлса, шартноманинг алоҳида филиалда амал қилишига йўл қўйилади *(МК 35-моддаси)*.

Жамоа шартномаси ташкилот ҳаётининг мураккаб даврларида, чекланган давр мобайнида бўлса ҳам, ўз кучини сақлайди. Масалан, мол-мулкнинг эгаси (мулкдори) ўзгарса, янги эга олти ой мобайнида ходимлар учун янги қоидаларни жорий этиш ҳуқуқига эга бўлмайди *(МК 44-моддаси)*. Агар компанияда қайта ташкил этиш (масалан, қўшилиш ёки қўшиб олиш) юз берган бўлса, бу ҳолда шартнома у тугайдиган вақтгача амал қилади. Сўнгра жамоа шартномаси ўз кучини йўқотади. Бироқ корхона таркиби, тузилиши, бошқарув органининг номи ўзгарган, корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳужжат ўз кучини сақлайди *(МК 43-моддаси)*.

Агар корхона тугатиладиган бўлса, жамоа шартномаси тугатиш иши якунланишигача қадар амал қилади *(МК 45-моддаси)*.

### «МАЖБУРЛОВЧИ» ШАРТНОМА

Иш берувчи фирмалар жамоа шартномасини имзолашга маълум вақтгача – ходимларнинг вакиллик органи жамоа шартномасини тузиш учун музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқишига қадар мажбур эмасликларини англашлари керак. Ташаббус шундан иборатки, меҳнат жамоаси вакиллари иш берувчи фирма вакилларига музокаралар бошлаш хоҳиши тўғрисида ёзма шаклда тегишли хабарнома топширадилар. Фирма хатни олгандан кейингина, етти кун мобайнида музокараларга киришиши, шунингдек фирма манфаатларини ким ҳимоя қилиши ва унга қандай ваколатлар берилганлигини кўрсатиши шарт *(МК 31-моддаси)*. Меҳнат кодекси шу заҳоти жамоа шартномасини тузишга мажбур қилмайди, балки музокаралар бошлаш тўғрисида қайд этади, улар мантиқан шартнома тузиш билан якунланиши керак. Жамоа шартномасини тузиш бўйича юридик мажбурият фирмада хабарнома олинган пайтдан юзага келади. Масала фақат вақтда қолган: унинг иккала тарафни қаноатлантирадиган шартларини муҳокама қилиш лозим.

Агар фирма раҳбари жамоа шартномасини тузиш тўғрисидаги музокаралардан бўйин товласа, бу меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади ва қонунда назарда тутилган тартиб жавобгарликка олиб келади *(МК 34-моддаси)*. Бунинг учун унга энг кам иш ҳақининг 5 баравариги миқдорда жарима солишлари мумкин – бугунги кунда у 125 200 сўмни ташкил қилади *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси)*.

### ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК

Меҳнат кодекси тарафларга жамоа шартномаси матнида ўзгартириш ёки унинг қоидалари билан тўлдириш мумкин бўлган ҳолларни баён этиш ҳуқуқини беради. Агар шартномада бу қайд этиб қўйилмаса, уни ўзгартириш ёки тўлдириш фақат шартнома тузиш учун қўлланиладиган таомил орқали, яъни МКнинг 31-моддасига кўра амалга оширилиши мумкин. **N**

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

# Бизнес Панорама

«Норма маслаҳатчи» 36 (165)-сон 2008 йил 5 сентябрь

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

SANAY Co.Ltd

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли

## P4 компьютерлари

Тошкентдаги омбордан

Пул ўтказиш йўли билан сотилади



Тошкент ш., Фарғона йўли кўч., 13/12
тел. 233-10-46, 120-30-27, 120-30-28
факс 120-30-26

Товар сертификатланган
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integr-asia.com»

UzMed EXPO

## 7-9 ОКТЯБРЯ ВЫСТАВКА

Гостиница «Интерконтиненталь»



## МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА "УЗМЕДЭКСПО - 2008"

Официальная поддержка:
- Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан;
- Ассоциация Представительств иностранных Фармацевтических компаний в Республике Узбекистан.

Основные разделы выставки:
- медицинская техника и инструменты;
- медицинское оборудование;
- стоматологическое оборудование и материалы;
- лекарственные средства и их производство;
- очковая оптика;
- лечебная косметика;
- медицинская мебель, оборудование для аптек, упаковка;
- расходные и перевязочные материалы.

Организатор: IEG UZBEKISTAN

Контактная информация:
Тел.: +(998 71) 238-59-87 | E-mail: coordinator@iegexpo.com
Сот.: +(998 97) 381-07-84 | Менеджер проекта: Гальперина Ольга

IEG UZBEKISTAN

## БУХГАЛТЕР - ШАРАФЛИ КАСБ!

1С Предприятие 8.1 Ўзбекистон учун бир ечимда

ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ, СИНАЛГАН!

2 ЙИЛ КАФОЛАТ

Демо версияни ўрнатиш ва намойиш қилиш бепул
1С франчайзи Bekas Plus
Манзил: Фетисов кўч. 1/1
Тел.: 291-60-63, 168-58-99, 108-59-63, 328-67-55

Товар сертификатланган

Alterna GROUP

Хитойдаги етказиб берувчидан

## ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ

сотилади



## УЙ ВА ОФИС УЧУН

ЧАРМДАН ВА ГАЗЛАМАЛИ!

ОФИС МЕБЕЛИ
БУЮРТМАГА



РАҲБАРЛАР КАБИНЕТЛАРИ
КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ХОДИМЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ
СТУЛЛАР
КРЕСЛОЛАР

ЕТКАЗИБ БЕРИШ – БЕПУЛ!

МЕБЕЛЬ САЛОНЛАРИ, АРХИТЕКТОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ

ТЕЛ.: 330-36-76, 333-95-59

## РАСМИЙ ДИЛЕР "УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ" ОАЖ

UAZ

## "VOSTOK RUS AVTO" МЧЖ ХИИК

Тошкентдаги омбордан УАЗ русумидаги барча автомобиллар ва ишлаб чиқарувчидан эҳтиёт қисмларни сотади ҳамда кафолат ва техник хизматлар кўрсатади.



UAZ Patriot Classic,
UAZ Patriot Comfort,
UAZ Patriot Limited





Комбинациялашган УАЗ-39094 фермер



UAZ Hunter

Комбинациялашган УАЗ-3909 фермер
Яхлит металли фургон УАЗ-3741
Махсус юк ва йўловчи ташувчи УАЗ-39625
Микроавтобус УАЗ-2206
Санитар автомобили УАЗ-3962



Бортли УАЗ-3303

Товар сертификатланган

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўч., 27. E-mail: vostokrusavto@bk.ru

www.pc.uz

Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

"Impuls-audit" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
(собиқ "Alomat-audit" МЧЖ 1996 йилда фаолият бошлаган)

БАРЧА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР УЧУН ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТАДИ

pr_8-23-02

Факс (371) 244-19-21. Тел.: 244-19-21, 245-15-89
Бош директор – Маҳаметов Бағдат Маҳаметович (+998 97) 159-17-24

Филиаллар директорлари:
- Наманган – Раҳмонов Абдуманнон Ғаниевич (+998 90) 552-35-67
- Жиззах – Эргашев Беркин Эргашевич (+998 72) 328-53-72
- Самарқанд – Жабборов Неъматулла Шерқулович (+998 72) 295-56-64
- Бухоро – Шодиев Искандар Мастонович (+998 65) 190-97-58
- Хоразм – Нуруллаев Файзулла (+998 62) 514-60-14

ЎзР МВ томонидан 2008 йил 12 февралда берилган 139-сон лицензия
Устав капитали ЎзРдаги 5 000 ЭКИҲдан ортиқ
Суғурта полиси 250 000 000 сўмга.

Штатда 20 нафардан ортиқ аудитор бор.
Бир нечта ходим махфий ҳужжатлар билан ишлашга 2-нчи ва 3-нчи даражали рухсатномага эга.

pr_8-30-01

Йирик аудиторлик ташкилоти

Наманган, Навоий ва Нукус филиаллари
БОШЛИҚЛАРИ
лавозимидаги доимий ишга
тендер эълон қилади

Талаблар:
- Аудитор сертификати
- Камида 5 йиллик бош бухгалтер ва аудиторлик иш стажи
- Рус ва ўзбек тилларини билиш

Барқарор иш ҳақи кафолатланади

Резюмени (+99 871) 267-62-07 факсига юборинг
Боғланиш телефонлари: (+99 871) 268-20-25, +99890 188-92-06
Электрон манзил: ziyokonsalt@mail.ru

Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази

Хизматлар лицензияланган
Курслар ЎзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади
(ЎзР МВнинг 59-сон лицензияси)

АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ - 200 соат

АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ -60 соат

Халқаро сертификатлаш дастури (CAP) доирасидаги курслар

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1
Машғулотлар 12 августда бошланади
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1
СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ
АУДИТ
"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси
Машғулотлар 11 августда бошланади

ЎУМдаги барча ўқитувчилар САР ва ЎзР МВ сертификатлари соҳибларидирлар

pr_7-52-04

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
232-09-36, 233-86-41, 732-69-92

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ
барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳамма турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.
Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИҲдан ортиқ
САР сертификатига эга аудиторлар керак.
Телефонлар: 708-04-23 (уяли), 293-15-72 (иш)

Хизматлар лицензияланган
«ELIF HISOB» МЧЖ
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ
- БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
- ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ

БАҲОЛОВЧИЛАР керак
Жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи - ҳаммабоп
444-59-60, 181-06-55, 279-08-04, 276-24-88

005_002

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0816/10617-сонли қарорига асосан Ҳамза туманидаги "NUR FARM TIBBIYOT" МЧЖни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Ф.Каримов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 8 сентябрь соат 10.00 да Ҳамза туман ДСИ биносининг 311-хонасида ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Ҳамза туман ДСИ биносида давом этмоқда. Кредиторлар талаби 2 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй. Банкротлик иши 2008 йил 9 сентябрь соат 10.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-сонли суд мажлислари залида бўлиб ўтади. Тел. 289-46-88.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 21 январдаги ҳал қилув қарорига асосан Тошкент туманидаги "ALI-XAN-AZIM" МЧЖ, "IMIRBEK DAVLAT" МЧЖ, "TURON SAYQAL QURILISH" ХК, "280-MMKK" банкрот бўлганлиги сабабли ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади ва тугатиш ишлари 12 сентябрга қадар белгиланган. Барча даъволар Тошкент тумани, К.Ғофуров кўчаси, 8-уй, туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел.: (8-371) 96-56-125.

***

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 19 августдаги 15-08-06/14441-сонли корхонани банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш ажрими билан Фарғона вилояти Бешариқ туманида фаолият кўрсатган "Анасбегим саховати" ХК бўйича 2008 йил 12 сентябрь куни ишни судда кўриб чиқиш тайинланганлиги сабабли 2008 йил 10 сентябрь соат 14.00 да Бешариқ туман ДСИ биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишга келганлар соат 11.00 да Бешариқ туман ДСИ биносида ДСИ ходими О.Машрабжоновдан рўйхатдан ўтишлари шарт.

## • РЎЙХАТЛАР

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 26 августдаги қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Раҳбар исм-шарифи | Манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| "GOLDEN-LION" ХК | 300536012 | Ш.Мадазизов | Зарқайнар кўч., т-14, 236 | 10-0820/10047-т |
| "KENJA USTA" ХК | 204803527 | Р.Пўлатов | Зангиота т. Назарбек қишлоғи, 31 | 10-0820/10048-т |
| "ALUMIRACCES-SORIES" ХК | 300002012 | М.Иноятов | Янгиер кўч., 7 | 10-0820/10049-т |
| "XABIBULO BIZNES" ХК | 205791796 | Х.Солиев | Жарариқ кўч., 15-141 | 10-0820/10050-т |
| "SEBZOR BARAKA OMAD" МЧЖ | 203916448 | Ф.Сулаймонов | Себзор, 21а | 10-0820/10051-т |
| "FAXMIDDIN SAVDO" ХК | 205791804 | Ф.Тохтаходжаев | Кўх ота кўч., 130 | 10-0820/10052-т |
| "MIRHAYDAR-BUVA" ХФ | 203455921 | М.Комилов | Абдураҳмонов кўч., 39а | 10-0820/10053-т |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади.

Тел.: 227-15-73, 228-07-24, 228-07-54.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги фаолияти тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | КТУТ | Қарор рақами | Санаси |
|---|---|---|---|---|
| «IXLOS SERVIS PLUS» МЧЖ | 300681980 | 22252021 | 10-0811/9906 | 04.08.08 |
| «DENTAL MIR SHIFO» ХК | 205814274 | 20388822 | 10-0811/9907 | 04.08.08 |
| «NAFIS TIMUR SERVIS» МЧЖ | 300145981 | 21556919 | 10-0811/9908 | 04.08.08 |
| «AVANGARD YUNIVERS» МЧЖ | 206231114 | 20808052 | 10-0811/9909 | 04.08.08 |
| «BAN KOMPUYTING» МЧЖ | 204581583 | 19143216 | 10-0811/9910 | 04.08.08 |
| «FLYURA-SERVIS» ХК | 202615176 | 17057062 | 10-0811/9911 | 04.08.08 |
| «MEGA PATENT» ХК | 205067073 | 19593801 | 10-0811/9912 | 04.08.08 |
| «MAGNUS-BIZNES» ХК | 204349878 | 18876939 | 10-0811/9913 | 04.08.08 |
| «PLANET TECHNOLOGY» МЧЖ | 205339271 | 19883153 | 10-0811/9914 | 04.08.08 |
| «MARINA-FAVORIT» ХК | 206783401 | - | 10-0811/9915 | 04.08.08 |
| «ADELINA CHILONZOR» МЧЖ | 300031530 | 21393191 | 10-0811/9916 | 04.08.08 |
| «SILENA» МЧЖ | 200657750 | 16009747 | 10-0811/9917 | 04.08.08 |
| «APERIK» ХК | 203470983 | 17920744 | 10-0811/9918 | 04.08.08 |
| «OSIYO-LINK» ХК | 203074161 | 17491261 | 10-0811/9919 | 04.08.08 |
| «ARTUR-SAVDO» ХК | 200521232 | 15353613 | 10-0811/9920 | 04.08.08 |
| «FINCA MICROCREDIT» МЧЖ | 300141537 | 21556813 | 10-0811/9921 | 04.08.08 |
| «NOMDOR PULAT» ХК | 205652564 | 20224730 | 10-0811/9922 | 04.08.08 |
| «BERKUT SECURITY SERVIS» МЧЖ | 300523757 | 22071733 | 10-0811/9923 | 04.08.08 |
| «SHIFO-NON» ХК | 200980612 | 15565149 | 10-0811/9924 | 04.08.08 |
| «LANGO TRADING» МЧЖ | 300599780 | 22197670 | 10-0811/9925 | 04.08.08 |
| «ZARZAR ALEKSEY» ХК | 300473187 | 21916648 | 10-0811/9926 | 04.08.08 |
| «MELANJ-STIL» МЧЖ | 205845521 | 20439755 | 10-0811/9927 | 04.08.08 |
| «PROGRESS-ROST SERVIS» МЧЖ | 205838244 | 20439494 | 10-0811/9928 | 04.08.08 |
| «KOM JIHOZLASH»ДУК | 201999903 | 16350452 | 10-0817/10159(21)-т | 27.08.08 |
| «MEXNAT-BAXT-MUXABBAT» МЧЖ | 300028478 | 21465559 | 10-0817/10156(21)-т | 27.08.08 |
| «YUSUPOV BEKZOD AZAMATOVICH» ХК | 204790521 | 19318526 | 10-0817/10139(21)-т | 27.08.08 |
| «AL NIHOLA» ХК | 202482240 | 16930988 | 10-0817/10152(21)-т | 27.08.08 |
| «YUNIMEDSERVIS» ИЖАРА КОРХ. | 200542199 | 14825796 | 10-0817/10136(21)-т | 27.08.08 |
| «ZAMIRAXON ZARGAR SAVDO» ХК | 206022524 | 20535192 | 10-0817/10155(21)-т | 27.08.08 |
| «KOMIL-SAVDO» МЧЖ | 202603760 | 17054951 | 10-0817/10142(21)-т | 27.08.08 |
| «EKSPORTNI RIVOJLANTIRISH MARKAZI» Маркази | 202182947 | 16491891 | 10-0817/10154(21)-т | 27.08.08 |
| «SHIFOBAXSH NON» ДХО ШХЖ | 202610871 | 17001357 | 10-0817/10151(21)-т | 27.08.08 |
| «ASHINA» МЧЖ | 202218210 | 16540075 | 10-0817/10146(21)-т | 27.08.08 |
| «SAB-KAT AHROR» ХК | 204444049 | 18934861 | 10-0817/10158(21)-т | 27.08.08 |
| «FARRUH-FARIDA FARM» ХК | 206260554 | 20809471 | 10-0817/10149(21)-т | 27.08.08 |
| «ARISTOKRAT» ХК | 202342794 | 16691561 | 10-0817/10153(21)-т | 27.08.08 |
| «AL-AYYUB SAVDO» ХК | 203711294 | 18245251 | 10-0817/10147(21)-т | 27.08.08 |
| «KOINOT-QURILISH» ХК | 205592711 | 20151853 | 10-0817/10145(21)-т | 27.08.08 |
| «ABDUMANNOP NABIRALARI» ХК | 203222364 | 17636357 | 10-0817/10150(21)-т | 27.08.08 |
| «BUNYODKOR QURILISH» ШК | 203472814 | 17922318 | 10-0817/10157(21)-т | 27.08.08 |
| «EKIZAG» МЧЖ | 201759694 | 16146484 | 10-0817/10144(21)-т | 27.08.08 |
| «GALAXY TRAVELS» МЧЖ | 204951272 | 19511217 | 10-0817/10143(21)-т | 27.08.08 |
| «BOOCHA SPEKTRUM» ХК | 300076395 | 21524931 | 10-0817/10140(21)-т | 27.08.08 |
| «FARXUNDA SAVDO» ХК | 300084609 | 21524546 | 10-0817/10148(21)-т | 27.08.08 |
| «TIBR KOMPUTERS» МЧЖ | 300116494 | 21524606 | 10-0817/10138(21)-т | 27.08.08 |
| «YOQUB-YO'LCHI» ХК | 202978421 | 17398649 | 10-0817/10160(21)-т | 27.08.08 |
| «SS-AZIZ» ХК | 204601328 | 19143908 | 10-0817/10141(21)-т | 27.08.08 |
| «NAYMAN-CHIPON» ХК | 300005926 | 21465476 | 10-0817/10137(21)-т | 27.08.08 |
| «ERANGIZ GOZUKARA GROUP» МЧЖ | 206762055 | 21344778 | 10-0820/9464 | 15.08.08 |
| «FAZO-FAYZ» МЧЖ | 205292934 | 19854101 | 10-0820/9469 | 15.08.08 |
| «SMR-STM» МЧЖ | 202304832 | 16636734 | 10-0820/9470 | 15.08.08 |
| «BUYUK-AFROSIYOB» МЧЖ | 203111717 | 17512419 | 10-0820/9465 | 15.08.08 |
| «RESPUBLIKA MUHANDIS ISHLAB CHIQARISH MARKAZI» МЧЖ | 200826176 | 14857804 | 10-0820/9463 | 15.08.08 |
| «MIRISTI-BIZNES» ХК | 300552555 | 22169260 | 10-0820/9460 | 15.08.08 |
| «MUXLISA-AZIZ-BARAKA» ХК | 300012712 | 21465938 | 10-0820/9457 | 15.08.08 |
| «TURONTRASTCOM» МЧЖ | 204932106 | 19396710 | 10-0820/9467 | 15.08.08 |
| «RAFIYA-GOLD» МЧЖ | 300478694 | 21917091 | 10-0820/9458 | 15.08.08 |
| «OST-IN» ХК | 200980564 | 15472153 | 10-0820/9461 | 15.08.08 |
| «KSENIX DELUX POZITIV» ХК | 300531479 | 22071393 | 10-0820/9466 | 15.08.08 |
| «MEDIALOGIA» ХК | 205003761 | 19515327 | 10-0820/9473 | 15.08.08 |
| «BAXT-OLTINGUGURT» МЧЖ | 300413584 | 21647941 | 10-0820/9471 | 15.08.08 |
| «ZAR PLAST» ХК | 205624377 | 20154585 | 10-0820/9468 | 15.08.08 |
| «EKIP» ХК | 201282507 | 15777645 | 10-0820/9455 | 15.08.08 |
| «XERUVIM» ХК | 204719764 | 19231914 | 10-0820/9462 | 15.08.08 |
| «РОССИЙСКИЙ ЛЁН» | 200826191 | 14858034 | 10-0820/9459 | 15.08.08 |
| «TANHO TAOM SERVIS» ХК | 206362434 | 20965478 | 10-0820/9456 | 15.08.08 |
| «EKSPRESS SPORT» ХК | 200893048 | 14902692 | 10-0820/9472 | 15.08.08 |
| «SEMURG BEK SERVIS» ХК | 300035446 | 21466151 | 10-0816/10030 | 20.08.08 |
| «SIFAT-QURILISH-NUR» ХК | 205276494 | 19815561 | 10-0816/9954 | 20.08.08 |
| «ULYANA» ХК | 200537235 | 14926356 | 10-0816/9956 | 20.08.08 |
| «ASKO FINANS» МЧЖ | 205101989 | 19596024 | 10-0816/9958 | 20.08.08 |
| «MUHANDIS-SANTEXMONTAJ» ХК | 206209069 | 20807526 | 10-0816/9952 | 20.08.08 |
| «ANDAZA-SPORT» ДП МЧЖ | 204505984 | 18989069 | 10-0816/9951 | 20.08.08 |
| «SARDOR SEVARA» ХК | 202388333 | 16693873 | 10-0816/9955 | 20.08.08 |
| «THE BEST QUALITY» МЧЖ | 205158141 | 19658529 | 10-0816/9959 | 20.08.08 |
| «ACA-TRAVEL» ХК | 204648008 | 19204998 | 10-0816/9948 | 20.08.08 |
| «BEONTECH-BIZNES» ХК | 206739271 | 21344353 | 10-0816/9961 | 20.08.08 |
| «LYUDOVIB» ХК | 202511963 | 16962575 | 10-0816/9960 | 20.08.08 |
| «DKG TERMOLUX» МЧЖ | 205040661 | 19597963 | 10-0816/9962 | 20.08.08 |
| «NUR KADASTR SERVIS» МЧЖ | 206590864 | 21160216 | 10-0816/9963 | 20.08.08 |
| «TIME OUT» МЧЖ | 204951264 | 19511223 | 10-0816/9949 | 20.08.08 |
| «BEK TRANS KOMUNALCHI» МЧЖ | 205321557 | 19880021 | 10-0816/9953 | 20.08.08 |
| «AVTOGAZ TEXNIKSERVIS» МЧЖ | 203996810 | 18521202 | 10-0816/9950 | 20.08.08 |
| «ANTIK DIDYMA» МЧЖ | 206668678 | 21259765 | 10-0816/9957 | 20.08.08 |
| «BEKDIL-SERVIS» МЧЖ | 205502189 | 19998521 | 10-0816/9964 | 20.08.08 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.
















## • РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 августдаги 11-0809/11088 (19)-сонли ажримига асосан Олмалиқ шаҳар ДСИдан рўйхатдан ўтган "Lyuks Bekat Lak." МЧЖни (СТИР 206815329) банкрот деб эътироф этиш бўйича иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Мазкур иш юзасидан кредиторлар 1-йиғилиши 2008 йил 11 сентябрь соат 10.00 да Олмалиқ шаҳар ДСИ биносида ўтказилади. Банкротлик иши 2008 йил 12 сентябрь соат 11.00 да Тошкент вилояти хўжалик суди биносида кўрилади. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар белгиланган муддатларда Олмалиқ шаҳар ДСИ биноси, 22-хонада қабул қилинади.

Тел.: 61-2-18-96, 61-3-00-42, 61-2-16-33, 61-2-24-58.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 августдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "LORD BIZNES" ХК | 10-0821/10175 |
| "AVAZ-ZIYOD MUKAMMAL BIZNES" ХК | 10-0821/10176 |
| "MAGISTER-LINE" МЧЖ | 10-0821/10177 |
| "INTERSTROYPLAST" МЧЖ | 10-0821/10178 |
| "ILGOR SHARQ" ХФ | 10-0821/10179 |
| "UNIVERSAL SERVIS EKSKLYUZIV" МЧЖ | 10-0821/10180 |
| "ZAMIN MARMAR" МЧЖ | 10-0821/10181 |
| "RURAF" ХФ | 10-0821/10182 |
| "AVEZOV QURILISH" ХК | 10-0821/10183 |
| "CHOIGE PLUS" МЧЖ | 10-0821/10184 |
| "STRATTON SUSTEMS" МЧЖ | 10-0821/10185 |
| "SUPERA ZIZ BARAKA" ХК | 10-0821/10186 |
| "SELF-PROGRESS" МЧЖ | 10-0821/10187 |
| "GLEMENTO-KOLOR" МЧЖ | 10-0821/10188 |
| "AKVA UNIVERSAL-SERVIS" ШК | 10-0821/10189 |
| "TEHNO-ALOQA" МЧЖ | 10-0821/10190 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Ҳамза тумани ҳокимияти, 32-34-хона, Фарғона йўли кўчаси, 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

***

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган "Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 3.1-бандига асосан фаолият кўрсатмаётганлиги сабабли Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР |
|---|---|
| "RASTR-PH" КК | 202966817 |
| "ЭКО-АЛОКА" КК | 200986374 |
| "НАРЖИС" ХК | 201995347 |
| "ALNEMONI" ХК | 201862339 |
| "NT-PLUS" КК | 203411858 |
| "INTER STAR" MCHJ КК | 204550581 |
| "SAM-OLMON LTD" КК | 201560224 |
| "САЛОМБЕК" КК | 201777404 |
| "АЗМЕТ КОМПАНИ" ШК | 201968600 |

Корхона ва ташкилот раҳбарлари ва уларнинг таъсисчилари томонидан эътирозлар қуйидаги манзилда 1 ой муддат ичида қабул қилинади: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 3-хона. Тел. 235-87-76.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 июлдаги 10-0813/7516-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "Трансмеханизациясервис" ХК банкрот деб топилган ва тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2008 йил 18 сентябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 4-қаватда (Бoштранслойиҳа АЖ биносида) ўтказилади.







## ЭЪЛОНЛАР

### СОТИЛАДИ

Кетчуп ва майонез ишлаб чиқариш учун ишлаб турган ускуна.
Тел. 267-37-53

### ТАРЖИМАЛАР

Таржималар бюроси: ҳужжатларни таржима қилиш ва уларни нотариал тасдиқлаш хизматлари, легаллаштириш. Уставлар, шартномалар, контрактлар, шахсий ҳужжатлар. Сифатни кафолатлаймиз!
Тел.: 252-38-71, 454-80-01, 108-79-76.

### ХИЗМАТЛАР

ЛОЙИҲАЛАР. СМЕТАЛАР. ДИЗАЙН.
Тел.: 233-95-25, 186-46-43.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Сизга дебиторлик қарзини тўлашмаяптими? Хўжалик судида низоли иш борми? Мақбул юридик хизмат лозимми? Меҳнатга оид масалалар. "ASR ADVOKATI" АФ. 100% кафолат. Тўлов – натижаларга кўра.*
Тел.: (+99897) 100-47-33; (+99897) 330-45-71; (+99890) 900-00-29.
Мўлжал – "Тинчлик" м.б.

---

Хўжалик ишлари бўйича адвокат.* Тел. 383-555-9.

---

"ADVOKAT-ELITE". Корхоналар, ваколатхоналар, доимий муассасаларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш. Ҳуқуққа оид аудит.*
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

---

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

### ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

"ТИФ иштирокчиси маълумотномаси" дастури, ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумот.
Тел. 107-67-18.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик хизматлари.
Арзон. Тел. 176-23-13.

*Хизматлар лицензияланган.*

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 22 августдаги ажримларига асосан Бўка туманидаги банкротлик иши очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Ажрим рақами |
|---|---|---|
| "Олимхон ўғли Ҳамзахон" ФХ | 204822979 | 11-0806/10929(19) |
| "Маърифат" ФХ | 200435544 | 11-0806/10928(19) |
| "Бобур Шер барака" шахсий корх. | 206174447 | 11-0806/10927(19) |
| "Тонг" ФХ | 200436685 | 11-0806/10926(19) |
| "Уташ ота" ФХ | 202230783 | 11-0806/10925(19) |
| "Ахмад Душабоев" | 300181109 | 11-0806/10924(19) |
| "Холимбет ота" ФХ | 204822923 | 11-0806/10923(19) |
| "Толи Азизов" ФХ | 202603531 | 11-0806/10922(19) |
| "Иброҳим Мирзаҳаким" ФХ | 300151857 | 11-0806/10921(19) |
| "Фазлиддин Шер" ФХ | 204413695 | 11-0806/10920(19) |
| "Умид" фирмаси | 200433254 | 11-0806/10928(19) |

Мазкур корхоналар бўйича кредиторлар йиғилиши 2008 йил 5 сентябрь соат 11.00 да Бўка туман ДСИ биносида ўтказилади. Манзил: Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй.
Тел.: 150-59-27, (8-370-257) 35-790.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги сабабли тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами | Санаси |
|---|---|---|---|
| "Z CORIM TASHKENT" ХК | 203708257 | 10-0810/8655 | 08.08.08 |
| "РОСАЗИЯФАРМ" КК | 201070382 | 10-0810(15)/8651 | 08.08.08 |
| "УРАЛГАЗПРОМКОМПЛЕКТ" ШК | 201889422 | 10-0810(15)/8650 | 08.08.08 |
| "БУЮК ТУРОН ИНК" КК | 201554128 | 10-0817/7717(21) | 14.07.08 |
| "ИНТЕРПАРТ Ко" КК | 201623871 | 10-0814/6840 | 25.06.08 |
| "ПАРИЖ ИНТЕРНЕШНЛ" КК | 201353053 | 10-0814/6565 | 25.06.08 |
| "GOLD SPORT" КК | 202596423 | 10-0810/7258 | 25.06.08 |
| "ТАШ-ЧИНЬЕТ" КК | 200525274 | 10-0810/7261 | 25.06.08 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари ҳамда Давлат архивига топширилиши лозим бўлган барча ҳужжатлар бекор қилинади. Кредиторлар даъволари эълон берилган кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 262-20-23, 232-00-97.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами | Директор | Юридик манзили | Қарор рақами | Санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "OMAD-TIJORAT-BARAKA" ХК | 205220176 | 14.09.2004 401-09 | Т.Алимов | Навоий кўч., 25 | 10-0812/9803 | 19.08.2008 |
| "OMINA-SERVIS" | 300051894 | 15.11.2006 001565-09 | М.Худойберганов | Уйғур кўч., Шарофиддинов тор кўч., 11 | 10-0812/9797 | 19.08.2008 |
| "LOYIHA QUDIRUV" МЧЖ | 201053481 | 23.04.2001 453 | В.Бизеев | М-14-27 | 10-0821/9776 | 15.08.2008 |
| "XAYRIDDIN SERVIS" МЧЖ | 205812974 | 13.09.2005 911-09 | Х.Мухитдинов | А.Қодирий кўч., 13 | 10-0812/8077 | 15.07.2008 |
| "SHOXBEK BAXT M" ШК | 205404548 | 07.02.2005 593-09 | Б.Абдуллаев | А.Қодирий кўч., 7а | 10-0812/8065 | 15.07.2008 |
| "LOTUS-SERVIS-SAVDO" МЧЖ | 206186234 | 06.03.2006 1138-09 | Д.Абдурахмонов | Шайхонтоҳур тум. | 10-0812/8072 | 15.07.2008 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти биноси, 2-қават, Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

***




Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*
*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*
*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J5917. Адади 5660. Баҳоси келишилган нархда
**Газета 2008 йил 4 сентябрда соат 17.00 да топширилди.**